



МИРЗИЁЕВ ИЛК ЧЕТ ЭЛ ЗИЁРАТИНИ РОССИЯГА ҚИЛИШГА ҚАРОР БЕРДИ, НЕГА?

«Известия» газетасининг 7 декабр куни Ўзбекистон ҳукуматидаги манбасига таянган ҳолда хабар беришича, Ўзбекистоннинг янги сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг биринчи расмий ташрифини Россияга амалга оширади.

Россия Президентининг матбуот котиби Дмитрий Песков газетанинг ушбу хабарига муносабат билдириб, «Кремл ушбу хабарга ижобий ёндашади» деган.

"Шунингдек Ўзбекистон Президенти ташрифини Россия парламентида ҳам кутишмоқда. МДХ ишлари бўйича давлат Думаси кўмитаси раиси Леонид Калашниковнинг «Известия» газетасига айтишича, мамлакат раҳбарларининг биринчи ташрифи шунчаки рамзий характерга эга бўлмайди, аксинча бу давлатлараро алоқаларнинг ривожланиш устуворлигини таъминлайди.

- Мен аминманки, биринчи ташриф Россияга бўлади. Бу иқтисодий, геосиёсий ва ҳарбий

нуктаи назардан мантиққа тўғри келади. Биз иттифоқчи ва ҳамкорлармиз. Ўзбекистоннинг янги Президенти – Россия ва барча собиқ иттифоқ мамлакатларини тушунадиган одам. У Ислом Каримов жамоасида эди, демак у бизнинг алоқаларимизни қўллаб-қувватлаш ва уларни янги фикрлар билан тўлдиришга тайёр, - дейди Леонид Калашников", деб ёзилган "Известия" газетаси хабарига.

Эсингизда бўлса Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ва ЭРК демократик партияси лидери Муҳаммад Солиҳ ўзининг 6 ноябр кунги «Энди бироз ёмон бўлайлик» деб номланган мурожаатида шундай ёзган эди:

«Россия раҳбари Путин Самарқандга Каримов қабрига гулдаста қўйиш учун келмади, у Мирзиёевдан Москвага садокатда ваъда олиш учун келди ва ўз истагига тўла эришди.

Аслида, Мирзиёев бу тайёргарликларни Каримов ўлим тўшагига ётган ондаёқ бошлаган эди. Ўзбекистон халқини кутаётган бу муҳтамал

фожианинг қисқача хикояси шундай:

Владимир Путин 30 август ва 1 сентябр кунлари орасида Шавкат Мирзиёевнинг назоратли сайловлар орқали Президентлик курсисига муаммосиз ўтиришини таъминлаш мақсадида Россия Федерал хавфсизлик хизмати (ФСБ) ходимларидан иборат 300 кишилиқ гуруҳ юборди Ўзбекистонга.

Бу гуруҳга қуролли амалиётлар устаси булган ҳарбий гуруҳ илова қилинди ва улар Тошкент ва бошқа катта шаҳарларга жойлаштирилди. Бу ишлар Бош Вазир Мирзиёевнинг талаби ва розилиги билан амалга оширилди.

Каримов қабрининг фонида олинган суратга қарасангиз, Путин ва Мирзиёевнинг юзларидаги севинчи кўзойнаксиз ҳам кўришингиз мумкин. Шу қадар аниқ севинч!

Путиннинг 2016 йил 6 сентябр куни Самарқандда ўзбек диктаторининг мазорига қўйган гулчамбари, аслида, бир ўлка Мустақиллиги мазорига қўйилган гулчамбардир.

Бу муболаға эмас, бунинг муболаға эмаслигини куни кеча "Царьград ТВ" дан чиққан рус шовинисти "авроосиёчи" Дугин тасдиқ этди. У "Ўзбекистон Каримовдан кейин Москвасиз ўз мустақиллигини сақлай олмайди" дея баралла баёнот берди. (<https://www.youtube.com/watch?v=cMq9tfB2k3E>)»

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, агарда Ўзбекистон шу йўналишда давом этса, аввалига иқтисодий ва шу каби бошқа ташкилотларга, сўнгра Россия бошчилигидаги ҳарбий блокларга ҳам аъзо бўлиш эҳтимоли жуда юқори. Натижада эса Ўзбекистон Муҳаммад Солиҳ кўрққанидек Россиянинг вассалига айланиши мумкин.

ЎХХ хабарлар бўлими

(Бошқа шаҳарларни билмадим, Тошкентдаги айрим овқатланиш шаҳобчаларида хўрандалар “нешоб билан ювилган” ликопчаларда тамадди қилишаркан)

Кейинги пайтларда одамлар орасида учиб кетган бедаъво ва юкумли дардлар илдизи қаерда эканлигини биласизми?

Мана, мен биламан.

Бедаъво дардлар қаердан чиқиб келишини англагандекман.

Қандай қилиб дейсизми?

Мана бундай қилиб:

Ўзини Манноп деб таништирган бир ўқувчининг "Дунё ўзбеклари" сайтида (<http://www.dunyouzbeklari.com/?p=151524>) "Ора кўлларимдан қон сизиб, бармоқларим шишиб



кафелларни артавериб ер тусини олган пол латгасини жумракдан шариллаб турган сувга - "раквина"мга ювмоқчи.

-Бу нима қилганингиз? Халоллиги қолдими энди бу идишларни? Нега пол, ҳожатхона артган сувингизни нега бу ерга тўқасиз? Нега ҳожатхона полини ювган латтангизни раквинага ювасиз? Бу гигиенага тўғри келмайди-ку? Бу туришда одамларни касал қилиб ўлдирасиз? Қочинг бу ердан? - дедим газаб ва ҳайратимни яширмай.

Нари кетган қиз ўзидан каттароғини бошлаб келди. Адашмасам, исми Мавлуда эди.

- Бу ерда нима гап бўляпти? - деди Мавлудахон ярашиқсиз

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА: "Бу гапни гўши бор одам эшитсун, ўзида хуши бор одам эшитсун.."

кетса ҳам бош кўтармайман.... deb yozibsiz. Qulidan qon oqib turgan odam idish yuvmasligi kerak.Uzizga ham yomon, xurandalarga ham." деган мазмундаги изоҳи мени ўзим билган ушбу ҳақиқатни айтишга мажбур қилди:

Худого шукур, болаларнинг бўйи бўйингиз билан тенглашавергач, эҳтиёжлар ҳам катталашиб бораркан.

Ишлашим, сармоя топишим зарур эди.

Лекин қаерда ишлайман?

"Халқ душмани", "Ватан хоини" деган тамға бешонамга босилган бўлса? Мени ишга оламан деб кимнинг кўзи учиб турибди? Мени ишга олсинми, бор будидан айрилсинми? Ишга олиш тугул, мен билан гаплашишмайди ҳам-ку ҳатто. Гап тегиб қолишидан ҳайкишилади.

Мақбул иш топиш душвор.

Қисқаси, опамнинг қизига кўшилиб Тошкентдаги ошхоналарда идиш-товоқ ювишга ёллангизга қарор қилдим.

С о м с а х о н а л а р , пирашхоналарда идиш-товоқ ювишга ёлланганларнинг кунлик маоши 25 минг сўм экан. Ишингни қилиб бўлгач, 25 минг сўмни ол-у, кетавер.

Бу иш менга тўғри келмади.

"Фарҳод" бозори атрофидаги ошхоналарга жойлашиб олай десам, қургуларнинг бари мени танийди: "Сиз ана у "орингизда одами бор" опа эмасмисиз? Қўйинг-э, бизга тинчлик керак?" дейи

Бир кун жияним пойтахтнинг Учтепа туманига қарашли Изза кўчасида жойлашган "Шерхон" чойхонасига етақлаб борди: Жудаям ҳашаматдор. Ўттизта "кабинет" деймизми, қозоқ қардошларнинг ўтовига ўхшаш "сарой"лардан чиққан идиш-товоқларни ювиш учун кичиккина хоначада бор йўғи иккита "раквина" кўйилган экан. Нақд 20 та қозон денг. Бу ерда идиш-тавоқ ювувчига кунлик ойлик маош 30 минг сўм экан. Чойхона фақат кечаси фаолият юритаркан. Иш кундуз кун соат 14.00 дан бошланаркан.

Иш бошладик.

Жияним иккимиз идиш-товоқ ювишга мўлжалланган ка-ааттакон иккита "раквина"га эга чиқдик. Эндигина "иштаҳа" билан иш бошлагандик, қизим тенги фаррош келиб ликопчалар қалашиб турган "раквина"га кўлидаги челакни ағдариб юборди.

Оппоқ чиннилар бир зумда балчиққа ботгандек қоп-қора бўлиб қолди. Соч толалари дейсизми, қил дейсизми, пойабзаллардан тушган лой – тупроқ, қум заррачалари дейсизми – хуллас, "раквинам"да йўқ нарсанинг ўзи йўқ.

Шундагина фаррош қизалок кўлидаги пол ювилган лойқа сувни "раквина"га тўкиб юборганлигини англадим.

Бу ҳам камлик қилгандек, қизча кети билан мени туртган бўлди: "Хола, қочиб турунг, илтимос, шуну ювиб олай?"

Қарасам, полни, яъни,

қошларини кериб. Кейин билсам, бу қизни "завзал" дейишаркан.

- Мана, кўрмайсизми, полларни, ҳожатхоналарни ювган сувини "раквина"да турган идиш-товоқларнинг устига тўкиб юборди. Поллатгасини мен ликопчаларни, қошиқ-вилкаларни юваётган раквинага ювмоқда. Қаранг, оппоқкина ликопчаларим расво бўлиб кетди-ку? - дедим шикояттомуз.

- Сувда ювсангиз яна оппоқ бўлади-қолади. Булар қаерга ювиши керак унда. Йўқ жойдан "проблема" чиқарманлар. Шусиз ҳам "кленг" кўп, иш қалашиб ётибди, - деди "завзал" ва мендан узоқлашаркан "озода сассуғ" дея шивирлади шеригига, афтини аллатасин буриштираркан.

- Онахон, - ҳазил аралаш гап қотди жияним, - Сизга ўзи шу керак эди! - кулди. - Сизга нима? Билганларини қилишмайдами? Бу сизнинг ўйингиз эди-я, озодалик қиласиз?Тўғрисиям шу-да, хўрандалар кўриб ўтирибдими?

- Ҳожатхонасини кўрдингми? Сийдик сачраган полни ювган сувини тўқадиған жойми мен идиш-товоқ ювадиган "раквина"? - дедим хуноб бўлиб, - Энди касал бўлиб ўлади-ку бу ликопчаларда, қошиқларда овқат еган одамлар?

- Жинам чалмайди ўша прокурорларингизни! Бўкиб ичиб ётибди-ей бари, ташвиш қиманг, ароқнинг ўзи ичларини

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

дезинфекция қиворади, – жияним “завзал” каби ўта бепарво эди.

Ўша, иш бошлаганимизнинг илк куни “клент” жуда бисёр бўлди. Офитсант йигитлар “Оқ саройга” битта салат, “Кўк сарой”га битта лимон чой, “Регистон”га битта асалли чой.... тиним билай демади.... Кейин билсам, козоқ қардошлар тиккан ўтов монанд қурилган ҳар бир “қароргоҳ”- “кабинет”нинг ўз оти бўларкан – “Оқ сарой”.... ваҳоказо дегандек....

Кейин.... Бу ер ўз оти билан чойхона бўлиб, бу ерга пойтахтнинг фақат казо-казолари ташриф буюришаркан: прокурорлар, судьялар, солиқчилар, божхона, ҳокимтўралар.... Энг бўлмағурлари – санъаткорлар – кўшиқчилар “гап” ўйнаркан. Ўша куни ҳам Тошкнетдаги бор артист, кўшиқчиман дегани мана шу мен идиш-тавоқ ювиб бераётган “Шерхон”да эди. Менинг кўзим биргина қизикчи Шукурулло Исроиловга тушди холос.... “Шерхон” чойхонасида базму жамшид то тонгга қадар давом этаркан.... Шу куни ҳам шундай бўлди....

Зиёфатбозлик ярим тунга қадар не чоғлик узун давом этган бўлса, фаррошларнинг ҳожатхона ювиши, пол (кафел) артиши ва бу балчиқмисол сувини идиш-товоқ ювадиган рақвинага тўкиш ҳолати ҳам шу қадар тез-тез такрор бўлди....

Тонгги соат 10 дақиқа кам 6.00 да идиш-товоқларни саранжом-саришта қилиб, оёғимизни оғир судраб этни жунжиктирадиган тонгги салқинда уйимизга қайтдик....

“Шерхон”.... Бу чойхонани ким қурган билмадим, ҳали юқорида айтганимдек, ниҳоятда мухташам. Гап йўқ. Ҳаммаси рисоладагидек. Бирок: буни ким қурган бўлса ҳам бу соҳага алоқаси бўлмаган одам қурганлиги шундоққина маълум. Негаки: ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, то тонгга қадар идиш-товоқлар минг-бир марта айланиб келди, сизга ёлгон, ўзимга чин: лоф бўлмаса, 15 соат давомида тик оёқда тўхтовсиз, ишонинг, ҳеч бир лофсиз – тўхтовсиз икки кишилашиб идиш-тавоқ, чойнак, пиёла, турли ҳажм ва русмдаги рюкмаларни минг бир марта ювдик. Шу 15 соат ичида қўлимиздан лоф эмас, 15 мингдан ортиқ идиш-товоқ ўтгани чин. Шунчалик кўп идиш

тавоққа товуқнинг катагидек хона. Минглаб идиш-товоққа бор-йўғи иккитагина “рақвина”. Ош лаган ҳам шу ерда, рюккалар ҳам, қошиқ-санчқичлар ҳам... Идиш-товоқ ҳам шу ерда, “посуdamойчик”лар ҳам, “завзал”лар ҳам, салат тайёрлайдиганлар ҳам, офитсантлар ҳам шу кафтдеккина хонада. Эндигана лаган-ликопчаларнинг ёғини ювиб қўйганингизда, ҳали чайқаб улгурмасингиздан ё ошпаз пичоғини чайиб кетади, ё салатчи сузма юки қўлини ювади, ёки офитсант ёғ тўкилган куйлагиними, патнисиними ювишга тушиб кетади.... Ит эгасини танимади. 15 соатлик иш вақтида бир бор “кетингиз ер искаши” учун лоқал ўтиришга биттагина стул йўқ. Водийнинг қулочга сиғмайдиган кўк гулли ош лаганларини “даста-даста” қилиб кўтариб, растага тераверишдан, кўтариб, тераверишдан буйрақларингиз “узилиб”, жигарингиз “эзилиб”, белингиз сал кам синиб тушади. 15 соатлик машаққатли меҳнат учун 30 минг сўм пул. Марҳамат қилиб ол-у, унингни ўчир! Ҳожатхона ювган пол латгага ликопча артиб хўрандани хурсанд қиладим, пол ювган сувига чайган қошиқни миждознинг оғзига тутадими, ишинг бўлмасин! Хўрандалар кўрмаса, ҳалол. Миждозлар билмаса, бўлгани. Сенга нима? Сен кимсан ўзи? Сен ҳеч киммасан! Одам ҳам эмассан! Шунчаки қора ишчисан – “посуdamойчик”сан холос. Кўзингни кўр, кўлоғингни кар қилиб ишла ва чойчақангни олу кетавер!.... “Озода сассик”лик қилма бу ерга! Муҳими, “клент”нинг чаккасига бир уриб, пулини олиш. Шиор шу. Тамом-вассалом.

Мана, бедаъво дардлар қаердан ва нимадан пайдо бўларкан?

Ҳожатхона ювилган сувда ликопка “чайилгач” микроб бўлмайди, одам ажалидан беш кун бурун ўлмайди? “Санэпстанция” қаерга қарайди?

Йўқ, мен бунигидек бемазагарчиликлар ҳақида “Шерхон”нинг бошлиғига айтмоқчи эдим. Бирок....

Ярим тунда идиш-тавоқ ювиб ётганимизда сигаретасини тутатиб, тор жинси шимига сиймаётган бир эркак киши кириб келди. Кўзлари қонталаш. Бурни осмонда. Хода етиши душвор. Салом берсанг, алик олмайди.

- Бу прокурорларданми? Жа кеккайгану? Ҳожатхона



кидириб юрибди, афтидан? Адашиб қолибдими? - сўрадим офитсантлардан биридан.

- Йўқ, “шеф” бўлади бу киши, - пичирлади офитсант.

Қонталаш кўзларидан маълумки, бу одам қора ишчининг – “посуdamойчик”нинг гапини эшитадиганлар хилидан эмас.

Йўқ, мен бу ерда ишломас эканман. Хўрандаларга пешобини ичириб, пулини олиш... нажаси артилган латтани ликопчага қўшиб ювиш... Ҳожатхонага кириб чиққан пойабзал юрган поллаттани идиш-товоқларга қўшиб чайиш.... буни кўриб, кўрмасликка олиш.... индамаслик... менга, феълimgа тўғри келмаскан. Виждоним қийналади.

Ишни бошлаб қўйгандим. Бир амаллаб тонг оттирдим. Кунлик “улуш”имни олдим-да, “хаё-хуйт” деб уйга отландим.

Қайтиб “Шерхон” чойхонасига қадам қўймадим.

Майли, у “Шерхон”да пойхатнинг қози-ю корчалонлари, казо-казолари пешобига чайилган чойнагида чойларини ичиб тураверсин, кўкрак кериб юраверсин, ҳангомани кейинги ресторандаги расвогарчиликлардан эшитинг!:

Навбатдагиси “Лаззатли макон”. “Лаззат макон”даги “лаззатли” лаҳзалар....

(Давомини эртага ўқийсиз)



ИСЛОМ КАРИМОВ: "ОИЛАВИЙ НИЗОДА БОБОМНИ АЙБЛАЙМАН"

Би-би-си Ўзбек хизмати марҳум Президент Ислому Каримовнинг набираси билан эксклюзив суҳбат ўтказди. Бу суҳбатда номи тилга олинган тарафлардан муносабатини олиш учун Би-би-си улар билан боғланди.

Сўнги ҳафта ва кунларда марҳум Президент Ислому Каримовнинг тўнғич кизи Гулнора Каримованинг тақдири матбуот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама этилмоқда. Унинг "захарланиб ўлдирилганлигидан" тортиб, то шу кунларда "илк бор жамоат олдида баёнот билан чиқиши"га қадар хабарлар ва овозлар тарқатилмоқда. Би-би-си ўзбек хизмати Гулнора Каримованинг ўғли Ислому Каримов билан учрашиб, бу хабарлар, ва кенгроқ олганда, Гулнора Каримованинг қаердалиги, қай аҳволда эканлиги, у билан ўғли қандай воситалар орқали алоқадалиги, Каримовлар оиласидаги ҳозирги аҳвол ҳақида сўраган.

Ислому Каримовнинг Би-би-сига айтишича Гулнора Каримова "ҳозир ҳам уйда сақланипти. Яхё Фуломов кўчасидаги уйда уни ҳибс бошиданок ушлаб туришибди. У хорижга учиб кетгани ёки шаҳар бўйлаб юргани ҳақидаги мишмишлар ёлғон".

"Унинг ўзини суд қилишмаган, лекин унинг дўстлари, жамғармалари ходимлари судга тортилган". Гулнора Каримовга эса А4 шаклидаги қоғозда на қўл қўйилган, на кимданлиги аниқ бўлган "айбнома" топширилган.

Онангиз қай шароитда

сақланипти деган саволга Ислому Каримов бундай деди: "Ойим ўзи яшаб келган уйда беками кўст яшамокда деган янглиш фикр бор. Энг бошидаёқ уйни беркитиб, ойимни бир хонага жойлаштиришган. Уйга қўшиб қурилган икки-учта хона бор. Ойим ўша ерда сақланипти. Унга бир марта "пулини тўламасангиз, овқат беролмаймиз" дейишган. Унда ойим "уйни очиб беринглар, пулни олиб чиқай" деб сўраган. "Йўқ, уйни очолмаймиз, пулни топиш сизнинг муаммонгиз" деб жавоб қилишган".

Гулнора Каримова билан учрашиш имконлари ҳақида гапириб, унинг ўғли мана бундай жавоб берди: "Уйга яқинлашаман ёки уни кўраман деган одам дарҳол ҳибсга олинади ва СЊБнинг Гвардейскийдаги ҳибсхонасига олиб кетилади. Синглим ҳам кўчада турса, "Илтимос бу ерда турманг, киринг, дарвозанинг олдида турманг" дейишади. Уларга ойда бир марта бир-бири билан кўришишга рухсат берилади. Бу ҳам ҳар доиммас. Баъзида, "Йўқ, бугун сиз кирадиган кунмас" дейишади".

Гулнора Каримованинг қизи Имон аҳволи

Ислому Каримовнинг айтишича унинг синглиси - 18 яшар Имон ҳозирда Тошкентда. «Синглим ҳозир «Туркистон» меҳмонхонасида яшайпти. Февралда уни ойимдан ажратиб шу меҳмонхонага жойлаштиришган. У эркин ҳаракат қилиши мумкин, лекин ўша ерда ухлаши керак. У ойимсиз бир жойга

боролмайди. Уни мамлакатдан чиқариб юборишмоқчи бўлишяпти, лекин у ойимсиз ҳеч қаерга кетмоқчи эмас. Чунки агар у кетса ва ойимга бирон нарса бўлса, ҳеч ким гувоҳ бўлолмайди, ҳеч ким у билан мулоқотда бўлмайди. Чунки менда ҳам бевосита алоқа йўқ ойим билан. Агар унга бир қор ҳол бўлса, буни биладиган ягона одам синглим бўлади.

Гулнора Каримова ҳозирда тирикми?

Ислому Каримовнинг Би-би-сига айтишича, унинг онаси билан алоқаси билвоситадир ва

синглиси билан бир қаторда онаси атрофидаги «хайрихоҳ» одамларга боғлиқ. Онасининг шу кунги аҳволи ҳақида гапирар экан, Ислому Каримов бундай деди: «Уларда ойимни йўқ қилиш режаси бор. Қандай йўл билан буни амалга оширишади, мен айта олмайман, бу уларнинг режаси. Ўйлашимча, захарлашмоқчи. Кейин кимнидир айблашади. Улар ойим озод бўлишини хоҳлашмайди, чунки кейин кўп саволларга жавоб беришга мажбур бўладилар. Бу саволларга эса ҳеч ким жавоб бера олмайди, чунки нафақат бизга, балки атрофимиздагиларга қарши бўлаётган ишларни ҳеч ким қонунан изоҳлаб бера олмайди.

...Оиламиз биладик, агар халқаро ҳамжамиятидан эътибор кучайса, уни кўрсатишга, тирик эканини намойиш қилишга мажбур бўладилар. Эслайсизми, ўтган йил бобом инфаркт бўлди деган гап тарқалганди. Кейин у Қозоғистон ташқи ишлар вазирлиги вакили билан учрашди. Яъни, бир ҳафта ичида уни кўрсатиб, мишмишлар пучга чиқарилди. Ойимнинг аҳволи ҳам шунга ўхшаш. У йўқ қилинди деган мишмиш бор. У тирик экани ҳақида ишончли маълумот йўқ. Далил-исбот йўқ. Унинг ўзи билан гаплашмай, овозини эшитмай, қандай қилиб бировга ишонай?»

Гулнора Каримова номидан ёзилган аккаунтлар

Президент Каримов ўлимидан сўнг ижтимоий тармоқларда Гулнора Каримова номидан бир

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қанча аккаунтлар пайдо бўлди. Гулнора Каримова ижтимоий тармоқларда чиндан ҳам фаолми, деган саволимизга Ислом Каримовнинг жавоби: «Йўқ, ҳозирда унда ҳеч қандай ижтимоий фаолият йўқ. Мутлақо ҳеч қандай ижтимоий саҳифаси йўқ. Твиттер, Инстаграмда гўёки ундан деб саҳифалар очилляпти, кўл ёзувлари сохталаштириляпти, фотошоп орқали суратлари ўзгартириляпти.. Бунинг бари унинг ўзини, унга бўлган кўллаб-қувватловни издан чиқариш мақсадида қилиняпти. У ерда ёмон гаплар ёзилган. Гўёки ойимнинг кўлидан. Нафақат ўз қариндошлари, балки Бош вазирга қарши. Лекин, бош вазирнинг нима алоқаси бор? Ойим у ҳақида ёзиб нима қилади? Ойимнинг қарашлари у ердаги гаплардан фарқ қилган.»

Нега жанозада Гулнора ва унинг болалари кўринмади?

Ахборот воситалари мархум Президент Ислом Каримовнинг дафн маросимида на Гулнора Каримова, на унинг болалари қатнашганини таажуб билан қабул қилишди. Уларга рухсат бўлмади, ё... Набира Ислом Каримов бунга мана бундай жавоб берди: «Ойим ва синглимдан ташқари, менга бобомдек яқин одам йўқ эди. Лекин, билардим, агар борсам, бизга яқун ясаларди. Камида 2-3 марта одамлар, СНБ ва оила аъзоларимдан эшитдимки, агар мен у ерда бўлсам, учовимизни ҳам дарҳол йўқ қилишар экан. Ойим билан синглимга зиён қилишмаётганининг сабаби, улар билишадикки, бу ерда ваҳима бошланади. Агар мен у ерга борсам, учовимизни ҳам йўқ қилишарди ва 5-6 йилдан кейин эълон қилишарди. Тоғдан йиқилиб ўлишди, ёки шунга ўхшаш...»

... Мен-ку майли, нега синглим ва ойим Тошкентда бўла туриб, бобом билан видолаша олмадилар? Бутун умр ёнида бўлишган. Бу ахир оддий инсоний ҳурмат. Видолашув. Буни ҳеч қачон тушунмаймиз».

«Опа-сингил рақобатида бобомни айблайман»

Набира Ислом Каримовнинг фикрича, унинг онаси ва ҳоласи орасидаги рақобатда унинг бобоси - Ислом Каримов айбдор. «Ойим ва синглиси орасида ёшликларидан нормал муносабатлар бўлиб келган. Ягона муаммо шуки... Мен



бунда кўпроқ бобомни айблайман.. Чунки ойим математика мактабини олтин медал билан битирган. Бобомнинг изидан борган.. Ойим спорт билан шуғулланган, қора камар олган. Ўз карьерасини қуришни бошлаган. У нима қилса, холам буни такрорлашни истаган. Лекин, нега? Ўйлайманки, сабаби - бобом бутун умр холамга гапирган "Нега опангга ўхшолмайсан? Нега мана буни қилолмайсан? Нега яхши ўқимайсан? Нега "У" бўлолмайсан?" Мен ўз қизларингга бундай муносабат қилиш нотўғри деб биламан. Шунинг учун, бу унинг айби деб ўйлайман. Лекин, факт шуки, бу унга таъсир қилган. Холам бутун умр буни эшитгани учун, унда комплекс пайдо бўлган. Мана ҳозир жамғарма тузилибди. Мамлакатда ҳамма биладикки, бизда жамғарма аллақачон бор эди. Журнал ҳам бор эди, у ҳам журнал чиқаряпти. Буни исботлашга ҳам ҳожат йўқ. Бутун умр ўзаро пойга бўлган. Холам ҳам нималаргадир кодир эканини кўрсатишга интилган. Ўйлашимча, нафрат шундай пайдо бўлган, чунки холам барибир ойим даражасига чиқа олмаган. Булар кейин кўпириб жисмоний муаммога айланган. Бошида бу фақат хиссиётлар даражасида бўлган бўлса, ҳозир бу ҳаётимизда акс этяпти. Бу адоват туфайли оилалар барбод бўляпти.»

Би-би-си бу хусусда Лола Каримова-Тиллаевага ҳам мурожат қилди. Унинг юристларидан қуйидаги баёнот келди: "Каримова-Тиллаева хоним, афтидан унинг четлатилган опаси, ё опасининг номидан бошқа кимдир таъминлаган ушбу кулгили ва асоссиз шарҳларга жавоб беришдан бош торгади ва бу каби шарҳларнинг эътироф этилишига

нисбатан фақат ўзининг таасуфини билдириб, бу инсонларга яхшилик тилайди».

Гулнора Озодбекдан пора сўраганми?

Набира Ислом Каримовнинг айтишича, унинг онасига қарши қўйилган айблар сохтадир. Жумладан у мана бундай дейди: «Гулнора қаерда? Ҳеч ким билмайди. Нега Гулнора уй хибсда? Ҳеч ким билмайди. У хибсда қанча вақт қолади? Жавоб йўқ. Қонуний жавоб йўқ. Ойимнинг ўзига айтишларича, унинг жиноий иши товламачилик аризаси билан очилган экан. Бу кулгили бўлиши мумкин, бир томондан ойимни 300, 400 ва ҳатто 500 миллион долларлик коррупция ишларида айблалашпти, лекин бошқа томондан айтишларича, кўшиқчи Озодбек Назарбеков ариза ёзган экан. Гўёки ойим ундан 20 ёки 30 минг доллар талаб қилган экан. Мана шу ариза асосида ойимга айблов қўйилган. Йирик миқдордаги ишларга аралашган одам қандай қилиб бундай кичик пулни талаб қилсин? Ё униси ё буниси бўлиши керак. Агар ойим шунча катта пуллар олган бўлса, у Озодбек Назарбековдан ҳам сўраб ўзини шу ҳолга соладими?»

Би-би-си Озодбек Назаров билан алоқада бўлиб, унинг ариза ёзганлиги ҳақиқатми, деб сўради. Озодбек Назаров Би-би-сига мана бундай жавоб берди: «Мен билан Гулноранинг ўртасида ҳеч қачон ҳеч қанақа олди-берди бўлмаган. У мендан ҳеч нарса сўрамаган, мен унга ҳеч нарса бермаганман. Мен буни биринчи марта эшитиб турибман. Ҳеч кимга ҳеч нарса ёзиб ҳам бермаганман».

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Хориждаги Гулнора Каримовага қарши жиноий ишлар

Маълумки, бир неча мамлакатда Гулнора Каримовага қарши ишлар очилган ва қатта миқдордаги пуллар музлатилган. Би-би-си назира Ислоҳ Каримовдан бу ишларга муносабатини сўраганида, у бундай деди: "Мен бир фикрдаман - Ўзбекистон тарафи жуда хоҳлайдики, хорижда турли исмлар, турли компаниялар остида сақланган ва музлатилган барча пуллар Ўзбекистонга қайтсин. Лекин, мен аниқ биламанки, бу

пуллар бюджетга тушмайди, мактаб ё йўллар, ё бола боғчаларини қуришга ишлатилмайди.

... Агар жиноий пул бўлса, уларни музлатган мамлакатлар мусодара этишсин. Лекин, агар қайтарилса, улар қандай сарфланишини кузатиб борадиган қандайдир ташкилот бўлиши керак. Чунки улар қайтарилса, кимнингдир чўнтагига тушади».

Президент Каримовдан мерос қолганми?

Президент Каримов вафотидан сўнг унинг сиёсий мероси ҳақида кўп ёзилди ва ёзилмоқда. Бироқ оилага қолган мерос борми?

Бировга ёқадими ёки йўқми, лекин Ражаб Тоййиб Эрдўғон ва Шавкат Мирзиёев ўзларини эски хафагарчиликларни унут олдириган ҳамда муносабатларни янгидан барпо этишга қодир прагматик сиёсатчи сифатида кўрсатиб қўйдилар. Узоқ йиллар давом этган ўзаро таъна ва маломатлардан сўнг улар турк-ўзбек муносабатлари иқлимни тезда яхши томонга ўзгартира оладиларми?

Тарихга назар

Икки мингинчи йилларнинг ўртасида Туркияда марҳум Ислоҳ Каримовнинг бош душмани – "Эрк" муҳолиф партиясининг раҳбари Муҳаммад Солиҳ кўним топганидан сўнг Анқара ва Тошкент ўртасидаги муносабатлар совуқлашди. Тошкент бир неча марта Солиҳни мамлакатдан чиқариб юборишга шама қилган, аммо Туркия қулоқ солмади. Бундан ташқари, 2006 йилда Анқара Андижон воқеалари бўйича халқаро текширув ўтказишни ёқлаб чиққан ва ҳатто Ўзбекистонда пахта теримида болалар меҳнатидан фойдаланилишини танқид қилган.

Анқаранинг бу позициясига жавобан Тошкент 2012 йилда миллий телевидениеда турк сериалларини кўрсатишни тўхтатиб, турк бизнесига босим ўтказишни бошлаган, турк ишбилармонларини депортация қилган ёки ҳибсга олган. 2012 йилнинг апрелида депортация қилинган бизнесменлардан бири – Тошкентдаги йирик савдо маркази "Туркуаз"нинг собиқ бошлиғи Воҳид Гунеш – матбуотга хабар беришича, унга нисбатан қийноқ қўллангани ва мусодара қилинган мол-мулкни тиклаш



Ўзбекистон - Туркия: Қабр тепасидаги қўл сиқишувлар

юзасидан Ўзбекистон расмийлари қарши даъво кўзгаган. Унинг айтиб беришича, депортациядан олдин уни 9,5 ой давомида Юнусобод туманидаги МХХ тергов изоляторида сақлаб, қийноқ қўллашган.

Шундай бўлса ҳам, икки ярим йил олдин Каримов билан Эрдўғон Сочи Олимпиадасининг очилишида учрашгани ордан Ўзбекистон ва Туркия муносабатларининг илиқлашишига умид уйғонган. Бу учрашув ҳақида хаттоки ўзбек ахборот агентликлари ҳам хабар қилган. Аммо бу борада ҳеч қандай силжиш сезилмади.

Янги шахслар

Эрдўғон билан Мирзиёевнинг тақдирида ўхшашлик бор: иккаласи ҳам ўн йиллаб бош вазир, кейин президент бўлган (Ўзбекистонда ҳаммаси режа бўйича кетишига шубҳа йўқ). Иккала мамлакат муносабатларининг чигаллашуви уларнинг кўз ўнгида содир бўлган. Аммо илгари бош вазирлар нимадир қилиб, вазиятни ўзгартира оларми? Йўқ шекилли.

Чунки турк-ўзбек

Марҳум Президентнинг набираси бу саволга бундай жавоб берди: "Бу ҳақида умуман гап бўлмади. Янгиликни эшитган вақтимда, биринчи ҳафтаси, ўйладим, бировга бирон нима айтишармикан? Аслида мен ҳеч қандай меросни истамайман. Мен фақат бориб, у билан видолашишни хоҳлайман, чунки бу менинг ҳуқуқим. Бу одам ҳаётимнинг аксар қисмида менга жуда яқин бўлган. Ҳар бир инсон бу дунёни тарк этган қариндоши билан хайрлашишга ҳақли. Лекин, биламанки, агар борсам, у ерда қайтиб чиқа олмайман."

Манба: bbc.com/uzbek

биродарлигидаги асосий тўсик Ўзбекистон раҳбари Ислоҳ Каримовнинг ўзи бўлган – унинг характери, ҳар кишига, айниқса авторитар ҳукмдорга хос бўлган амбициялари бўлган. Каримовга тан бериш керак: у сиёсатчи сифатида ҳеч кимга бўйин эгмаган, зарбага зарба қайтарган, ўжарликка ўжарлик қилган. Бошқача айтганда, ҳамкорлар билан мослашувчан бўлмаган. Бу нафақат турклар масаласида, балки Тожикистон, Қирғизистон каби мамлакатлар масаласида ҳам кўринади... Бу факт бугунги ўзбек раҳбарияти томонидан бевосита ёки билвосита тан олинмоқда. Янги раҳбарият қўшнилари билан 25 йил давомида йиғилиб қолган муаммоларни – чегара, сув, тижорат-иқтисодий масалаларни тезда ҳал қилиш ёки ҳеч бўлмаганда силлиқлашга ҳаракат қилмоқда.

Ўлим қўл келди

Ҳаммасини бошидан бошлаш бугунги кунда Туркияга ҳам, Ўзбекистонга ҳам фойдали. Туркларнинг Марказий Осиёдаги бошқа собиқ иттифок мамлакатлари билан муносабатлари кўнгилдагидек. "Турк оиласида" фақатгина Ўзбекистон тижирланиб, гапга кўнмаётган эди. Шу сабабли, агар Ражаб Эрдўғон ўз мақсади хайрли эканига Шавкат Мирзиёевни ишонтира олса, ўз мамлакатига яхшигина баҳога эришади. Айниқса мамлакатдаги аксариятга маъқул келадиган пантуркистлик ғояси мухлисларига бу нарса ёқди.

Бошқа томондан қарасак, бугунги кунда Ўзбекистонга ҳар қандай хорижий меҳмоннинг

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

келиши Шавкат Мирзиёевга ҳам фойда. Бу унинг сайлов олди кампаниясига ижобий кўшимча бўлади. Биринчи ўзбек юртбошиси қабрида қанча кўп мамлакат раҳбари тиз чўкса, унинг вориси мамлакатда ҳам, ташқарида ҳам шунча обрўси ортади.

Эски ҳафагарчиликларни эслаш йўқ

Ислом Каримов вафот этгани заҳоти ўзбек-турк иликлашувининг аломатлари сезила бошланди. 18 октябрда Тошкентда ташки ишлар вазирликлари музокараси бўлиб ўтди – бошлиқлар Абдулазиз Комилов ва Мевлют Чавушоглу учрашди. Ўшанда Эрдўғоннинг Самарқандга ташрифи санаси белгиланган бўлса керак.

Эрдўғон билан Мирзиёев Каримов давридан қолган ўзаро ишончсизликни бартараф эта оладими? Ҳа, иложи бор, бунинг учун Тошкент 2010-2012 йилларда ўнлаб турк бизнесменларини ҳайдаб чиқаргани айбини ювиши керак. Айрим ишлар бўйича Туркияда ҳали ҳам суд ишлари давом этмоқда – тадбиркорлар босқинчилик билан тортиб олинган мол-мулк, активлар ва маблағларни қайтариб олишга ҳаракат қилмоқда. Айбини ювишгина эмас, балки келажакда шунга ўхшаш воқеалар бўлмаслигига кафолат бериши керак.

Ҳа, иложи бор, агар Туркия билан Ўзбекистон муҳолифатчи Муҳаммад Солиҳнинг тақдири ҳақида келиша олса. У Истанбулда яшайди ва ҳали ҳам расмий Тошкентга муайян сиёсий хавф туғдиради. Шунга қарамадан, бугун Туркияда ўзбек махсус хизматларидан қочиб, кўнгилга яқинроқ хавфсиз мамлакатга келган юзлаб ва минглаб ўзбек муҳолифатчилари, диний арбоблар, бизнесменлар бор. Уларни нима қилиш керак?

Яна бир марта иложи бор, агар Тошкент билан Анқара бу муаммоларга кўз юмса, агар келажакдаги манфаатли ҳамкорлик учун ўзаро гина-қудуратларни ютиб юборса. Аслида ҳаммаси яна шу раҳбарларнинг амбицияларига, инжиқлигига, гапга кўнишига ёки ўжарлигига боғлиқ.

Даниил Кислов
Манба: “Фаргона” АА

Ўзбекистонга баҳор келадими?

Деярли 10 йилдан буён ўлкамизда яшаётган ўзбек сиёсатчиси Муҳаммад Солиҳнинг мамлакатдан чиқариб юборилишига доир гап-сўзлар бор. Бу гап-сўзлар қаердан чиқди билмайман, аммо албатта кишини безовта қилади. Юз минглаб Суриялик муҳожирларга кучок очган ўлкамизда Муҳаммад Солиҳнинг бундай бир муомалага дуч келиши номуносибдир. Муҳаммад Солиҳ фақатгина сиёсат одами эмас, Туркистон ҳавзасининг сўнгги юз йилда етиштирилган нодир мутафаккир инсонлардан биридир.

“Совет иттифоқи” даврида режимга қарши очик танқидлари билан танилган Муҳаммад Солиҳнинг 1985 йилда ёзган “Политбюрога мактуб”и кенг аксадо берган эди. 1988 йилда “Бирлик Халқ Ҳаракати”ни, 1990 йилда “Демократик Эрк партияси”ни ташкил қилган Муҳаммад Солиҳ булар ортидан парламентга сайланди. ЭРК тайёрлаган “Ўзбекистоннинг Мустақиллик декларацияси” парламентда айнан қабул қилинди. 1991 йилнинг декабрида ўтказилган Президентлик сайловларида Ислом Каримовнинг қаршисига чиққан Муҳаммад Солиҳ 13 фоизга яқин овоз олди. Совет давридан қолган иқтидор элитаси Муҳаммад Солиҳнинг кучга эришганидан безовталанди. Бироз вақт ҳибсада тутилган Муҳаммад Солиҳ, озод этилиши ортидан 1993 йилда Туркия Президенти Турғут Ўзалнинг тақлифи билан Туркияга келди. Кейинчалик эса Муҳаммад Солиҳ Норвегияга кетишга мажбур бўлди. 2002 йилда Чехия Республикасига амалга оширган бир ташрифи вақтида ҳибсга олинди ва халқаро жамоатчилик босими остида озод қилинди.

Ўзбекистонни темир мушт билан бошқарган Ислом Каримов даврида Муҳаммад Солиҳнинг тарафдорлари босим остида қолдилар. “ЭРК” партиясига қарши шафқатсиз усулларни қўллаган Каримов ҳукумати бошқа сиёсий партияларга ҳам, халқ ҳаракатларига ҳам кўз очтирмади. Минтақанинг энг самарали ўлкаси бўлган Ўзбекистоннинг ташки дунё билан алоқалари узилди. 1999 йилда сохта даъволар билан 15 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган Муҳаммад Солиҳ эса 1993 йилдан буён ўз ватанига қайтолмаяпти. Ягона яйби ўзбек халқи учун адолат асосига

қурилган эркин, қонунга мувофиқ бир давлат қуришни истаганидир.

Ислом Каримовнинг тўсатдан вафот этиши ортидан Ўзбекистонда сиёсий бир ўзгариш умиди туғилди. Яқшанба куни ўтказилган сайловда Каримовнинг Бош вазири бўлган Шавкат Мирзиёев Президент қилиб сайланди. Янги президентнинг сиёсий маҳбустлар учун умумий амнистия чиқариши, Муҳаммад Солиҳнинг ҳам ватанига қайтиб демократик сиёсатни давом эттириши умид қилинаётган эди. Аммо Тошкентдан бу масалада ижобий хабар келмади.

“Турк дунёси”нинг “Дилда, Ишда, Фикрда бирлик” шиори остида бирлашиб, ўзгарувчан дунё мувозанати ичида ўз ўрнига эга бўлиши учун Муҳаммад Солиҳ каби фикр одамларига эҳтиёж бордир. “Фикрда бирлик” Турк дунёсининг интеллектуаллари томондан амалга оширилиши мумкин. “Ишда бирлик”ка эса ҳукуматлараро диалогнинг давомийлиги билан эришиш мумкин. Туркистондан Болқонларгача чўзилган геополитик авлодда таъминланадиган иш ва фикр бирлиги катта бир синергияни ҳам очиб беради. Жаҳон тизимидаги ўзгаришларга бўлган эҳтиёжнинг муқаррар эканлиги бир даврда бу ажойиб бир имкониятдир.

Янги ўзбек ҳукуматининг муҳолиф фуқаролар талабларига қулоқ солиши, Каримов даврида ер остига қўмилган ижтимоий қувватнинг Ўзбекисто фойдасига йўналтирилиши учун ҳам бир имконият. Террорни сиёсий қурашнинг воситаси ўлароқ кўрган радикал ҳаракатларнинг бартараф қилиниши, тинч усулларни қабул қилган сиёсий ҳаракатларнинг йўлини очиш билангина мумкин. 25 йил давом этган “Каримов режими”ни қолган еридан давом эттириш эса Ўзбекистон халқига хайр келтирмайди. Ўзбекистон тарихий Туркистон ҳавзасининг юрагидир. Бу юрак соғлом ишламаган тақдирда, шимолдан келган совуқ шамолларнинг деярли юз эллик йилдан буён киш ҳаётини яшаттираётган Туркистон ҳавзасига баҳор келмайди.

Абдуллоҳ Муродўғли (Abdullah Muradoğlu)
Yenisafak.com

Туркия туркчасидан ўзбекчалаштирилди
ЎХХ хабарлар бўлими



The Economist: "Ўзбекистонда Каримов режими тугагани йўқ"

Британияда чиқадиган дунёнинг энг нуфузли журналларидан бири The Economist Ўзбекистонда кечган президентлик сайловлари ҳақида мақола чоп этган.

Мақола "Ўзбекистон бир қаттиққўл раҳбарни бошқаси билан алмаштирди" деган сарлавҳа остида нашр қилинган.

Муаллиф Самарқандга дафн этилган Ислоҳ Каримовнинг қабридаги гуллар, тиловат ва қабр бошига келаётганлар тасвирлар экан, "бу мазорга кўмилган шахс авлиё ва хон эмас эди, зотан ўзини айрим пайт хонлардай тутганди... Бу Ўзбекистонни ўлимига қадар -27 йил бошқарган Ислоҳ Каримовнинг қабри", деб ёзади.

"Ўзининг танқидчилари учун жаноб Каримов шафқатсиз золим эди, инсон ҳуқуқларини қўпол равишда поймол қилар, 2005 йилда эса унинг хавфсизлик кучлари Андижонда намоёнларни қонга ботирганди. Аммо 30 миллионлик Ўзбекистоннинг аксарият фуқаролари учун Каримов ўлимидан кейин бир бўшлиқ қолдирди", деб ёзади The Economist.

Тошкентлик Абдумажид исмли ёш йигитнинг сўзларини келтирган муаллиф унинг бошқа бир раҳбар кўрмаганини урғулайди.

"У бизнинг бобомиз эди. Бизни ташлаб кетди", дейди Абдумажид.

Аммо муаллифга кўра, 78 ёшда бўлган Каримовнинг ўлими унинг даври тугаганини аниқламаган кўринади.

"Мирзиёев Каримовдан 20 ёш кичик, аммо зуваласи бир. У

Каримов даврида 13 йил Бош вазир бўлиб ишлаган ва ўзининг собиқ хўжайини каби репрессивдир, балки ундан ҳам баттарок... Оптимистлар эса Каримовнинг ўлими ўзгаришлар олиб келади, деб умид қилишганди, аммо барча ишоралар унинг режими ҳамон яшаб келаётганидан дарак беради".

Сайловда эса Шавкат Мирзиёев одатда Каримов оладиган 90 фоиздан сал пастроқ натижа кўрсатди.

Ҳақиқий муҳолифат йўқ эди. Уч номзод эса, муаллифга кўра, жараёнга демократик бўёқ суриб беришди.

Мирзиёев ўзини Каримовнинг вориси дея тақдим қилди. Каримов эса қаттиққўл бир арбоб бўлгани рост.

"Абдумажидга кўра, "идора қилиш учун айрим ҳолатларда сиз қаттиққўл бўлишингиз керак".

Ўзбекистонда эркин матбуот йўқ, мақола муаллифига кўра, ҳукуматнинг оммавий-ахборот воситалари Ислоҳий радикализм ва ё сиёсий талотўпларга ягона муқобил йўл бу авторитар тузум деган хабар атрофида айланишади.

Аксарият сайловчилар эса худди шундай қарашни қўллаб-қувватлашади.

Самарқандлик Шодиёр эллик ёшлар атрофида ва унинг айтишича, "муҳолифат жуда ёмон", улар "восвос"га чалинган.

Ҳукумат ҳам шундай фикрда, деб ёзади The Economist.

Бугунга қадар Ўзбекистон ҳукумати минглаб муҳолифларини қамокқа ташлаган.

Ўтган ой Ўзбекистоннинг энг узоқ муддат қамокда қолган сиёсий маҳбуси, 23 йил зиндонбанд этилган Самандар Қўқонов озод этилди.

The Economist журналининг ёзишича, сайлов куни овоз бериш участкаларида байрамона кайфият ҳукм сурган.

"Ҳамма сайловга" деган чакириқлар бот-бот янграб турган бўлса ҳам, сайловга бормаганлар ҳам йўқ эмас.

Мақола муаллифига тошкентлик қариялардан бири "бизсиз ҳам сайлаб олишади", деб айтган.

Оврўпода Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти сайловчиларда "ҳақиқий танлов" бўлмаганини танқид қилди.

Шунингдек, сайлов қонунбузарликларсиз кечмагани айтилди, деб ёзади The Economist.

"Мамлакат бўйлаб эса мишмишлар урчиди. Улардан бирида Каримовнинг тўнғич қизи Гулнора заҳарлаб ўлдирилгани ва шоша-пиша кўмиб ташлангани айтилди. Каримова бир пайтлар қудратли бизнес аёл эди. Унинг номи халқаро миқёсда коррупцияга доир маҳкама ишлари чиқиб келиши ортидан 2014 йилда уй қамоғига ташланди. Онаси ва синглиси билан шекспирона оилавий муҳорабалар ҳақида маълумотлар ўртага чиқди. Гулноранинг Британияда яшаётган ўғли Ислоҳга кўра, онаси тирик. Аммо у ўз онасининг ҳаёти хавф остида деб ўйлайди".

Мирзиёев Ўзбекистон иқтисодини ислоҳ қиламан деб шовқин солаётир, дея таасуротлари билан ўртоқлашади The Economist муҳбири.

Унинг назарида Ўзбекистонда кенг тарқалган коррупция йўқ қилиниши амри маҳол.

Шунингдек, ишсизлик (Россияда 2 миллион атрофида ўзбекистонлик меҳнат муҳожири бор), электр, газ ва бензин тақчиллиги оддий одамларни қийнаб қўйган, дейди The Economist.

Жаҳоннинг энг нуфузли нашрларидан бўлган The Economist ўз мақоласини Ўзбекистондаги энг қудратли шахслардан бирига ишора билан яқунлайди. "Янги президент қанчалар қудратга эга экани аниқ эмас. Ҳақиқий куч соҳиби анчайин сирли бўлган хавфсизлик хизмати раҳбари Рустам Иноятов бўлиши мумкин".

Манба: bbc.com/uzbek

Ўзбекистон ҳукумати томонидан 4 декабрь куни уюштирилган "сайлов-сайлов" ўйинида сайловчиларнинг иштироки бўйича турли маълумотлар тарқалмоқда.

Марказий сайлов комиссияси тарқатган баёнотга ишонилса соат 19.00 гача сайловчилар рўйхатига киритилган 20 миллион 428 минг 891 сайловчининг 80 фоизидан кўпи, яъни 17 миллион 700 мингдан ортиқ киши овоз бериб бўлган.

Ўз навбатида Озодлик радиоси ҳам баъзи сайлов участкаларига одамларнинг пенсия пули олишга келгандек турнақатор навбатда туриб овоз беришгани ҳақида ёзди.

Аммо таҳририятимизга келган кўпгина маълумотларга кўра ушбу "сайлов тадбири"да одамларнинг иштироки интернет нашрларида берилган маълумотлардан анча фарқ қилади.

Биргина мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Тошкент шаҳрининг энг гавжум туманларидан бўлган Чилонзордаги сайлов участкаларидан бирида рўйхатга олинган сайловчилардан атиги 10% сайловчи овоз беришга келган.

Хусусан, ушбу сайлов участкасига бориб овоз берган хусусий тадбиркор Т.Р. нинг айтишича соат тахминан 17:30 ларда сайлов участкасига борганида ўзидан бошқа биронта сайловчи бўлмаган.

"Бугун эрталабдан маҳалламизда



Сайлов участкаси маъмури: "Қўшниларингизга айтинг, сайловга чиқишсин"

иккита аёл ҳаммани сайловга чиқишга чақириб кетди. Маҳалла оқсоқоли ҳам бир неча марта таъкидлаганидан сўнг соат 17:30 ларда сайлов участкасига бордим. Борганимда сайлов учун масъул бўлган учта аёлдан бошқа биронта сайловчини учратмадим. Имзо қўйишим учун қўлимга 5-6 варақлик сайловчилар рўйхатини беришди. Рўйхатдан ўз фамилиямни қидираётганимда

ҳар бир варақда тахминан 30 тача сайловчи фамилияси борлигини ва имзо қўйганларнинг умумий сони эса атиги 6-7 та кишидан иборатлигини кўрдим. Овозимни бериб сайлов участкасидан чиқарканман, ўша ерда масъул қилиб тайинланган аёллардан бири мендан қўшниларимга сайловга чиқишларини айтишимни қаттиқ илтимос қилиб юборди", - дейди у.

ЎХХ хабарлар бўлими



ЕХХТ миссияси: Ўзбекистон президенти сайловида қонунбузарликлар қайд этилди

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон президенти сайлови давомида қонунбузарликлар, жумладан овоз бериш бюллетенларини сайлов қутисига ғайриқонуний ташлашлар қайд этилган.

Бу ҳақда ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Ўзбекистон

президенти сайловини кузатиш миссияси раҳбари Петер Тейлер матбуот анжуманида баёнот берди, деб хабар қилди РИА Новости агентлиги.

"Сайлов кунида жиддий қонун бузилишлари, шу жумладан овоз бериш бюллетенларини сайлов қутисига ғайриқонуний ташлаш аломатлари қайд этилди", деган

Петер Тейлер.

Унинг фикрича, Ўзбекистон МСК ташкилий ишларни яхши амалга оширган, лекин рақобат даражаси юқорироқ бўлиши мумкин эди, хусусан, сайловолди кампанияси давомида номзодлар орасида фаол баҳс-мунозаралар ўтказилмади.

ЎХХ хабарлар бўлими

Рус мусулмон оламининг буюк мутафаккири вафот этди

Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун. Биз Аллоҳникимиз ва Аллоҳга қайтгувчимиз.

Бугун, душанба куни саҳарда менинг дўстим, рус мусулмон оламининг буюк мутафаккири, фикр мужоҳиди ва оддий мусулмон Хайдар Жамол Олмаота шаҳрида вафот этди.

Мен унинг ўғли Орхан Жамолга, оила аъзолари ва ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача уни тарқ этмаган содик дўстларига ўзимнинг чуқур таъзиямни изҳор этаман. Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун.

Аллоҳ сенинг гуноҳларингни кечирсин Хайдар ва жаннат билан мукофотласин, омин!

Муҳаммад Солих



“Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан қўрқмаган интеллектуал”

Максим Шевченко - Ҳайдар Жамолни хотирлаб.

Ҳайдар Жамол ҳақиқатни ҳукуматнинг юзига қараб айтадиган буюк бир инсон эди. Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан қўрқмайдиган инсон эди. У мусулмон эди, у барча инсонлар ҳуқуқларини, асосан уруш, қатағон, зўравонлик ва террорга дучор бўлаётган, замонавий инсониятнинг кўпроқ таҳқирланган қисми бўлган мусулмонлар ҳақларини ҳимоя қилар эди.

Шунингдек Ҳайдар юқори даражали Москва интеллектуали эди. Ёшлигида, Евгений Головин, Юрий Мамлеев, Александр Дугин (Дугин Ҳайдар Жамолнинг талабаси эди) каби хос интеллектуаллар доирасига тегишли эди. Ҳайдар ажойиб шоир эди, у бир неча шеърлар тўпламларини нашр қилдирди – жуда кучли, оригинал ва ноодатий шеърят. У фалсафа ва замонавий амалий сиёсатшунослик бўйича кўплаб китоблар ёзди.

Ҳайдар Жамол фақатгина ўзининг мавжудлиги билан интеллектуал мунозара қилишга мажбур этиши билан ажралиб турар эди. Ва уни севганлардан – бундайлар жуда кўп эди, таъзия ва мухаббат сўзлари оқиб келмоқда, – ва уни ёқтирмаганлар эса, бундай инсонлар ҳам кам эмас эди, – жуда муҳим инсонни йўқотишди.

У ҳар доим учрашувга, курашга юзма-юз юрди, жангдан қочмади, гарчи жуда нафис бир инсон эди. Мени ҳар доим унинг ҳаттоки энг ёмон душманлари билан ҳам жентелменлик билан нозик, қатъий ва принципиал маомала қила олиши лол қолдирар эди. Ҳайдар бор жойда гўёки вақт чалкашиб кетар: маъно,

мунозара, диалог ва ривожланиш майдони пайдо бўлар эди. Унинг қудратли ақл юритиши, аллақачон турғун ботқоқни эслатувчи бу дунёда бир ҳаракатни вужудга келтирарди. Ҳайдар сўнгги лаҳзага қадар ҳаракатда бўлди ва бу турғун сув оралаб юрди.

У ётоғидан туролмайдиган бўлиб қолганда ҳам ишлаётган эди, барибир китоб ёзаётган ва айтиб туриб ёздирётган эди. У ўлим яқинлашиб келаётганини билар эди ва бир вақтнинг ўзида бир неча китобларни ёзиб тугатишга улгуриш учун ҳаракат қиларди. Ўйлайманки, унинг ўлимидан сўнг биз – унинг дўстлари ва шогирдлари – барчасини нашр қилдирамиз. У ёзган барча нарсалар рус тилида интеллектуал фикр юритиш учун жуда муҳим.

Ҳайдар мусулмон ва озарбайжон эди, турк халқининг ўғли эди, ва бу билан фахрланар эди. Шу сабабдан ҳам унинг – турк дунёси бешиги бўлган Олмаотада вафот этишида қандайдир ҳикмат бор. Ҳайдар у ерга даволаниш учун борган эди, у ерда ҳаётдан кўз юмди ва Олмаота қабристонига дафн этилади. Чунки ислом урф-одатига кўра инсон қаерда вафот этган бўлса ўша ерда дафн қилинади. Ҳайдар ўзи жуда севган ва ёшлигини бағшида қилган Осиёнинг ажойиб тоғлари манзарасига қараган Олатоғ этагида дафн қилинади.

Ҳайдар Жамолни либерал ва ватанпарварлар муҳитидаги барча танир эди – ва барча ҳурмат қиларди. Унинг ўрни бизга жуда ҳам билинади.

Юлия Минеева ёзди
Русчадан ЎХХ таҳририяти
таърижмаси

Халқаро ташкилоти Мирзиёевни репрессив сиёсатдан воз кечишга чақирди

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, Civil Rights Defenders халқаро ташкилоти 8 декабрь куни Шавкат Мирзиёевни Ислом Каримовнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги репрессив сиёсатини давом эттиришдан воз кечишга чақирган.

Ташкилот баёнотида айтилишича, Мирзиёев биринчи қадам қаторида қамоқлардан журналистлар ва ҳуқуқ фаолларини озод этиши лозим.

Civil Rights Defenders баёнотида озод этилиши шарт бўлган шахслар қаторида Азам Фармонов, Агзам Тургунов, Матлуба Комилова, Муҳаммад Бекжон, Солижон Абдурахмонов, Юсуф Рўзимуродов, Дилмурод Саййид ва бошқаларнинг номлари қайд этилган.



Ташкилот Мирзиёевни мамлакатни тарк этишга мажбур бўлган халқаро журналистларни ва ҳуқуқ фаолларини Ўзбекистонга қайтаришга чақирди.

Civil Rights Defenders 4 декабрда ўтган президентлик сайловларини матбуотда танқидий фикрлар билдирилмагани ва реал муҳолифат вакиллари иштирок этмагани туфайли демократик деб баҳолаб бўлмаслигини таъкидлаган.

Бош қароргоҳи Швеция пойтахти Стокҳолмда бўлган Civil Rights Defenders ташкилоти 1998 йилда ташкил этилган. Ташкилот Швеция Хельсинки қўмитаси деган ном билан танилган.

ЎХХ хабарлар бўлими



"Мухолифатчилар"ми ёки "мунофиқлар"ми?

Охирги кунларда ижтимоий тармоқларда ва бошқа шахсий веб саҳифаларда мухолифат раҳбари ва мухолифатчиларга нисбатан тухмат ва ёлғон айбловлар кўйилмоқда.

Бу жараёни кузатиб турган ҳар қандай соғлом фикрли инсон бу айбловларнинг неқадар нотўғри ва ўринсиз эканини тушуниб етиши аниқ.

Яъни бу турдаги айбловлардан мақсад ҳақиқатдан кўра мухолифат раҳбари ва унинг номини қоралаш экани кафтдек аён бўлади.

Афсуски, уларнинг сафида бир вақтлар мухолифат учун жон фидо қилишга тайёр эканини бонг уриб келган инсонлар ҳам йўқ эмас.

Албатта, бундай бўхтонлардан кейин ўзини "мухолифат" деб атаётган шахслару, ташкилотларнинг ўзлари бонг ураётган мақсадларини нақадар ҳақиқат экани ҳақида ўйланиб қоласан.

Айниқса, уларнинг муомала ва маъданий-ахлоқий мурожаат усули ҳудди бир амалдаги тоталитар тузум пропагандаси каби асосиз ва ёлғон таҳлил ва далилларга тўла эканини кўриб ажабланасан киши.

Айниқса, эндигина етишиб чиқаётган, эркин сўзли, хуррият фарзанди бўлишни истаган, ноҳақлик ва алдовларга қарши курашишга бел боғлаётган ёш журналист ва мухолифатчилар учун бу "мухолифат" тушунчасининг юрт ташқарисидаги амалиёти салбий таасурот қолдириши аниқ.

Ушбу ўринда рақобат ва тухмат ўртасидаги чегарани англаб етиш керак эканлигини барчамиз

билиамиз. Афсуски, мухолифат раҳбари ва унинг ўзига қарши билдирилаётган фикрлар умуман асосиз ва келтирилаётган далиллар ёлғон ёки нотўғри таҳлил қилинганини кўришингиз мумкин.

Буни саводсизликми ёки жоҳилликми деб ўйланиб қоласан киши. Чунки аввало ҳар қандай айблов кўйишдан олдин Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг асосий мақсад ва тамойиллари билан танишиб чиқиб, тушуниш керак эмасмикан деган савол туғилади.

Бир вақтлар Чўлпон, Фитрат каби буюк сиймоларни шўролар томонидан қатл қилинишида ўз ҳиссаси бўлган "ўзбек фарзандлари" ҳам бўлган.

Айнан шу инсонларни ўлимига сабаби бўлганлар ҳам ўша "қора кўз" Ўзбегим эмасми.

Айнан тарқоқлик, ички уруш, мансабпарастлик шунга сабаб бўлмадимикан.

Албатта бунга ўша пайтдаги халқнинг саводсизлиги ва сиёсий билимга эга бўлмаганини сабаб қилиб олишимиз мумкин. Лекин энди шу пайтга келиб, халқга шу нарсаларни ўргатишни имкони туғилган вақтда, хуррият сари янада кучлироқ интилиш керак бўлганда, ичкаридан низо чиқариб, шуни шахсий манфаатлари йўлида ишлатишни истаган инсонлар ортида нима учун ожизлик қиялпмиз.

Айнан ёш авлодга тўғри сиёсий, диний ва маъсифий билимни беришни истаган инсон ортидан бўхтонлар қилиняпти.

Аксинча, ҳозир биз ёш авлод

учун Устоз бўла олган инсондан кўпроқ билим олиб, тажрибалардан ўрнак олиб собит қадамликда курашадиган пайтимиз. Бундан беҳабар бўлганларга эса ўргатишимиз, билганларимизни бўлишимиз керак.

Авалло мухолифат раҳбарини аслида ким эканини ва нима учун шунча йил давомида курашиб келганини тушунишимиз ва билишимиз керак бўлади.

Ўзбекистонга соғлом мухолифат тушунчасини илк бора олиб кирган инсон аслида Муҳаммад Солиҳ эканини, бу инсон Ўзбекистон мустақил бўлиши учун илк курашга бел боғлаган инсон эканини билишимиз керак.

Халқнинг дардини, фикрини ва хоҳишларини тинглай олган, шуни барчага очиқ ойдин айта олган инсондир.

Муҳаммад Солиҳ ўз мақсад ва принципларидан йиллар ўтса ҳам воз кечмаганлигини кўриб тўғри хулоса чиқаришимиз мумкин.

Шунча вақт давомида халқи ва ҳаракат мақсадларини ўзидан ва шахсий ҳаётидан устун қўйганининг ўзи бир қатта жасорат эканлигини билишимиз керак. Зеро, бу вақт давомида мақсаддан бош тортганлар, авф этишларини сўраганлар кам бўлмади.

Албатта буни тушунишимиз учун биз аввало раҳбарнинг нима ҳис қилаётганини билишимиз керак. Яъни, шунча йил давомида ватандан, яқинлари дийдоридан узоқда, ўз ака-укаларининг Ўзбекистон турмаларида не аҳволда сақланаётганини билиб туриб, доимий тазйиқ ва таҳдидда бўла туриб халқи учун янада олға ҳаракат қилишга ундаган инсон бўлишни ўзи қанчалик жасорат эканини билишимиз лозим.

Биз ёшлар мана шундай Устоз билан бирга елкадош бўлиб, билмаганларимизни ўрганиб, тажриба орттириб халқнинг манавий-сиёсий саводхонлиги, адолат ва хуррият учун курашишимиз керак.

Гуруч курмаксиз бўлмайди деганларидек бизни ҳам ўз йўлимиздан қайтмаслигимиз, мақсадларимизни унутмаслигимиз керак бўлади.

Абдумалик Солиҳ

ИСРОИЛ ЙЎҚ ҚИЛИШНИ ИСТАДИ, УДДАЛАЙ ОЛМАДИ...1900 ЙИЛЛИК СИР ЭРДЎҒОНДА!

Турк, инглиз ва Исроил жосуслари тарихининг энг муҳим тўқнашувларидан бири содир бўлди. МОССАД ва М16 изига тушган Тавротнинг 1900 йиллик қўлэмаси МИТ (Миллий истихборот ташкилоти) томонидан амалга оширилган амалиёт билан Бош вазирга етказиб берилди.

Динлар тарихини ўзгартириб юборувчи маълумотларни ўз ичига олган Таврот учун Аданада худдий фильмларда бўладигандек бир амалиёт ўтказилди. МИТ китобни сотаётганлар билан 40 миллионлик савдони келишаркан, учрашув жойида пистирмада ётган МОССАД ва М16 жосуслари ҳам қалтис манёвр билан қочиш қутулишди. Ушбу ҳаяжонли можаро Гунеш газетасида эълон қилинган Талат Атилланинг мақоласида тилга олинмоқда. Албатта ёзганларимга скептик ёндашишга ҳаққингиз бор аммо бу матнни ўқир экансиз тафаккурингизни ёпиб қўймаслигингизни сўраган бўлардим.

Чунки яқин кунларда бунинг ҳақиқатлигига ўзингиз амин бўласиз.

Сана: 2012 йил 24 декабрь

Жой: Адана

Турк, инглиз ва Исроил жосусларининг яқин тарихидаги энг муҳим тўқнашувларидан бири содир бўлди. Бу тўқнашувда Туркия ғолиб чиқди. Туркия хавфсизлик кучлари Аданада терига ёзилган 1900 йиллик Тавротнинг қўлэмасини қўлга киритишди. Аданадаги амалиёт натижасида Бош вазир Тойип Эрдоғон шундай бир сирни қўлга киритдики, бу сир оммага ошкор қилинганда Исроил ва яҳудийларнинг асаблари бузилади ҳамда сиёсат ва динлар тарихи ҳам ўзгаради.

МОССАД НІЛТОН МЕҲМОНХОНАСИГА ҚОЧДИ

Фильмларга мавзу бўладиган амалиёт ва ундан сўнги воқеалар шундай содир бўлди: Тавротнинг 1900 йиллик қўлэмаси борлигидан бир хил вақтда хабар топган МИТ, МОССАД ва инглиз махсус хизматлари М16 ушбу нодир қўлэмани қўлга киритиш учун айни вақтда ҳаракатга тушишди.

ИСРОИЛ ТАВРОТНИ ЙЎҚ ҚИЛИШНИ ИСТАДИ

Тавротни биринчи навбатда

Исроил қўлга киритиш илнжида эди, эвазига эса жуда катта маблағ таклиф қилаётганди. Тавротда Исроил ва яҳудийларга алоқадор жуда муҳим сирлар бор эди. Бу сирлардан хабардор бўлган Исроил терига битилган Тавротни қўлга киритиб унинг ўзларига қарши ишлатилишининг олдини олиш мақсадида китобни йўқ қилишга ҳаракат қилди, аммо уддасидан чиқа олмади. Туркия махсус хизматлари Тавротни пулламоқчи бўлган шахсларга 40 миллион таклиф қилганидан сўнги савдо келишилди.

ИНГЛИЗЛАР УЛУШ ОЛИШ УЧУН МАЙДОНГА КИРИШДИ

Ушбу савдодан хабар топган МОССАД ва М16 жосуслари ҳам учрашув жойи яқинида пистирма қуришди. Аммо МИТ уларнинг ҳаракат қилишларига ҳам имкон бермасдан Тавротни қўлга киритишди. Амалиёт давомида МОССАД жосуслари Hilton меҳмонхонасига қочар экан М16 вакиллари ҳам консулликка тегишли автомобилларда воқеа жойидан узоқлашишга мажбур бўлишди. Инглизларнинг Тавротни Исроилга сотишга ҳаракат қилишгани ва бу савдо улуш олишмоқчи бўлгани айтилмоқда.

БОШ ВАЗИР ЭРДЎҒОН АРАЛАШДИ

Бу ҳаяжонли воқеаларнинг ривожига ҳақида ҳар дақиқада Бош Вазир Эрдоғонга маълумот бериб турилди ва Бош Вазир Тавротнинг яширинча Анқарага олиб келинишини тайинлади. Иброний тилда ёзилган Тавротни ўргана бошлаган мутахассислар 9 метр узунликдаги Таврот устидаги тадқиқотларни махсус хавфсизлик кўрикловчи остида амалга оширдилар. Тавротни ўрганиб чиқадиган гуруҳ аъзолари ҳам махсус танланди. 1900 йиллик Таврот ўрганиб чиқилгандан сўнги қилинган хулосалар ҳам ҳайратланарли эди. Чунки 1900 йиллик Таврот билан бугунги Таврот бир хил эмасди. Исроилнинг бугунги қабул қилган Тавротни ўзгартирилган Таврот экани маълум бўлди.

ТОПИЛГАН ТАВРОТ ҚУРЪОННИ ТАСДИҚЛАЙДИ

Маълумки, Қуръон Тавротдаги калималар ва уларнинг маънолари ўзгартирилган ҳолда битилганини

ёзади. Яҳудийларнинг Тавротни ўзгартирганликлари Қуръони Каримда шундай тасвирланади: "Яҳудий бўлганлардан калималарни ўз жойидан бузиб-ўзгартирувчилар бор. Улар тилларини бураб ва динга таъна етказиб: «Эшитдик ва исён қилдик, эшит, эшитмай қолгур ва «Роина» дерлар...." Нисо сураси 46-оят

1900 ЙИЛЛИК ТАВРОТДА ҲАМ ТАСДИҚЛАНДИ: ҲАЗРАТИ МУҲАММАД (С.А.В.) ЭНГ СЎНГИ ПАЙҒАМБАРДИР

1900 йиллик ўзгартирилмаган Тавротда Исроил ўғилларининг диний ва сиёсий тушунчаларига таянган ҳолда амалга оширган баъзи унсурларнинг нотўғри экани маълум бўлди. Энг муҳими эса, ўзгартирилмаган Тавротда энг сўнги пайғамбарнинг Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) эканлигига ошқора ишорат қилинади.

1 ЙИЛ ИЧИДА ОШКОР ҚИЛИНАДИ

Шов-шувларга сабаб бўладиган бу ҳодисани дунёга ошкор қилиш учун муносиб бир вақт албатта келади. Менимча бир йилга қолмасдан бу ҳодиса ошкор қилинади. Бу мавзуда Бош Вазир Эрдоғондан бошқа ҳеч ким баёнот бера олмаса керак деб ўйлайман. Чунки Тавротнинг Қуръонда айтилгани каби ўзгартирилганлиги, энг сўнги пайғамбарнинг Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) эканининг 1900 йиллик бир ҳужжат билан тасдиқланиши дунёда ҳам диний ҳам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий мувозанатни ҳам ўзгартиради. Ушбу ёзганларимнинг ҳақиқат эканига ҳеч қандай шубҳам йўқ, аммо ҳукумат вазиятдан келиб чиқиб ҳамда вақтга бўлган эҳтиёж нуктаи назаридан ҳозирча ёзганларимни тасдиқлашмаслиги мумкин. Ҳатто мақоламда тилга олинган баъзи куч ишлатар тизимлар томонидан босим ҳам бўлиши мумкин аммо тарихда из қолдиришнинг лаззатини ҳис қилишни истадим. Бироз сабр қилсангиз ёзганларимнинг ҳақиқат эканига гувоҳ бўласиз.

Мауба: *Kompro Haber* (<http://www.komprohaber.com/gundem/israil-yok-etmek-istedi-basaramadi-1900-yillik-sir-erdogan-da-h28486.html>)

ЎХХ хабарлар бўлими

(Илтимосим, буни биргина менинг, журналист Малоҳат Эшонқулованинг кўргуликлари деб ўқимасангиз.... Буларни халқнинг, ўзбекнинг кўргуликлари, ўзбекнинг шўри, миллатнинг қаро қисмати деб қарасангиз дегандим.... Мен бу ерда шунчаки “тажриба кўёнчаси”ман холос.... Халқнинг, одамларнинг кўргуликларини ўз танамда, ўз ҳаётимда синовдан ўтказмоқдан холос....)

Шунақа деди менга.

Яна ким денг?

Ўз жияним.

Ҳа, ўша, ўзим билан “посудамойчик” бўлиб ишлайдиган қиз мендан норози бўлганча “Юзингда кўзинг борми?” демасдан шундай деди: “Нега



тик сўзлиги ҳақида сўз бормоқда.... Ҳарҳолда... Ўрисларнинг феъли ўзгача... Бетингда кўзинг бор демайди... Ҳаққини талаб қилишни қўймайди.... Истайсизми, йўқми, ўрисларнинг феъли бўлакча.... Отамга ўхшадим мен, нима қилай? Қонимда бор менинг ўрлик, ўжарлик....

Хуллас, “Шерхон” чойхонасидан кадамимиз тийилгач, интернетдан ўзимизга муносиб иш қидирдик. Қарасак, “Лаззат макон” фаррошликка таклиф қилади. Кунлик маош 30 минг сўм” деган мазмундаги эълонда манзилларини кўрсатиб қўйишибди. Оёғимизни қўлимизга олиб чопдик. Борсақ, идиш-товоқ ювишга одам излаб илҳақ ўтиришган экан. Бир эмас,

ЎЗ ЖИГАРИМНИНГ МЕНГА ДЕГАНЛАРИ: "НЕГА ШУНАҚАСИЗ? НЕГА БУНЧАЛАР ЁМОНСИЗ, ХОЛАЖОН? НИМА УЧУН ҲАМИША ТУЗИНИ ЕБ, ТУЗЛИҒИГА ТУПИРАСИЗ?!"

бунчалар ёмонсиз? Сизни бу қадар ёмонлигингизни билмас эканман! Нега тузини еб тузлиғига тупирасиз? Ўша, ТВда ҳам шундай қилгансиз? Ризқ еб, тузини ичиб, тупиргансиз. Ана шунга сизни ишдан ҳайдашган. Боп қилишган! Биламиз, сизга пул керакмас. Аммо бизга керак. Ўзингизни ўйламасангиз, лоқал бизни ўйланг. Олдимиз қоронғи қиш. Бу ерга тўрт сўмлик бўлайлик, мактабга қатнайдиغان болаларимизнинг эгини бут, қорнини тўқ қилайлик деб келганмиз. Сизнинг бу ердаги дардларни дoston қилганингиздан кейин бизни ишда олиб қолишармиди? Сизга қўшиб бизнинг ҳам кетимизга тепишадик-ку?! Менга деса, нажасини қора қозонда қайнатиб, бўтқа қилиб ошатишмайдими-я-а хўрандаларга, сизга нима-а, сизга нима? Бир марта ишдан тепилганингиз дарс бўлмадими? Жим юришни ўрганмадингизми? Қараб турунг, ўзингизга қўшиб бизниям хароб қиласиз, бизниям жувонмарг қиласиз ҳали!...”....

Мабодо, ресторандаги одамларнинг ўз пешобига ликопчасини чайиб таом тортишдек иллатни ошқор этганим “нонкўрлик” бўладиган бўлса, ҳа, мен ўшаман: “Тузини еб, тузлиғига тупирадиган нонкўрман”.

Ана, энди ўзингиз ўйланг, мен ўзим “қўли пул кўрсин, рўзғори

бут бўлсин, тўрт танга топсин” дея қишлоқдан чақиртирган тўртта жиянимнинг эртасини ўйлашим керакми, ё31 миллионлик халқимни, халойиқни ўйлашим, кўпнинг саломатлиги ҳақида қайғуришим керакми? Ўз жигарларимга ҳам ачинаман, мени деб ишсиз қолишларини истамайман, албатта, бироқ, бу менга кўрган билганларимни айтишимга ҳалал бера олмайди. Мен ўлсам ҳам ҳақни айтиб жоң беришим керак. Тўппа-тўғри, ЎзМТРКдан ҳам худди мана шундай бад феъли учун ишдан қувилганман. Айтиш мумкин бўлмаган ҳақиқатларни айтиб қўйганман. Шунинг учун.... Аммо не қилайки, бунингдек қаро қисмат менга сабоқ бўла олмади-да... Айтишадик-ку, “Сут билан кирган жон билан чиқади” деб... Онам раҳматлик гоҳида “Отанга ўхшамай кетгин сен....” дердилар оҳистагина эркалаган оҳангда.... Отамга ўхшадим мен. Отамни Хўжам деса ҳеч ким танимасди. Исмининг қаватига “ўрис” лақабини танғимасангиз бўлмасди, таний олишмасди. Отам раҳматликни албатта “Хўжам ўрис” дейиш керак эди, шарт эди.... Ҳақиқатпарварлиги, ҳалоллиги учун шундай лақаб танғишганди отамга.... Бу ерда ўрисларнинг давлати, ўрисларнинг ҳукумат бошқаруви ҳақида гап кетмаяпти... Ўрисларнинг феъли,

тўртта “посудамойчик” керак экан. Бу “қароргоҳ” ҳам Учтепа туманида, “Кўкча-Оқтепа” маҳалласида жойлашган. “Лаззат макон” ресторани уч қаватли бўлиб, биринчи қават – “подвал” – ертўла “Кафе-бар”, иккинчи қават – ресторан, учинчи қавати – чойхонадан иборат эди.

“Посудамойчик”ларнинг хонасини кўриб, кўнглим ёришди: Ҳайхотдек хона, ёп-ёруғ, иссиққина, “утеплённый” пол, “посуда мойчик”ларга учта рақвина – турли русмлардаги рюмкалар, чойнақ пиёлалар ёғзис бўлганлиги сабабли, уларга алоҳида рақвина, қошиқ-санчқичу, шашлик сихларини, тамакидон, туздон, “соус”ларни соладиган идишларни, “салфетница” идишларини ювиш учун алоҳида рақвина, 8, 9 – рақамли ликопчаларни, турли ош лаганларни ювишга алоҳида рақвина қўйилганди. Учта рақвинага учта “посудамойчик” керак экан. Бундан ташқари, “подвал”даги “кафе бар” да ҳам “посудамойчик” учун алоҳида хонача бўлиб, битта бўлса-да алоҳида рақвина қўйилганди. Мана, бу бошқа гап: бунингдек шароитда ҳарқанча ишласанг, арзийди. Шароитлар муҳайё. Иссиқ-совуқ сув тайёр. Бироқ бу ерга битта эмас, бира йўла тўртта идиш-

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

товоқ ювадиган ходима керак экан. Дарҳол қишлоқдан болаларини боқишга қийналаётган иккита бева жиянимни чакритирдим. Ҳар куни 30 минг сўмдан, ойига 900 минг сўм иш ҳақи. Ичини оғритадими? Қишлоқда бир йил пахтада ишлаб ҳам кўли бунингдек пулни кўрмайди-ку!

“Лаззат макон”га боришга отлангандим, қизим “Ойи, олий маълумотли тажрибали, иқтидорли журналист идиш-товоқлар орасида ўралашиб юришга уялмайсизми? Шу иш сизга тўғри келадими? Касбингизга ярашадиган ишни қилсангизчи?” деди норози тўнғиллаб.

- Нима қипти? Ўзи аёлнинг асл касби “посудамойчик”лик-ку? Шусиз ҳам оилада 4 кишига “посудамойчик”ман. Иш кўламини кенгайтириб, шу хизматни 4 кишига эмас, 400 кишига қилсам, осмон узилиб ерга тушармиди? Касбнинг яхши-ёмони бор эканми? “Посудамойчик” одам эмасми? Мен танлаган касбдан ор қилмай кўя қалин. Бу - айна менбон иш. Ҳеч кимга тилим-жағим тегмайди. Тинчгина ишлайман. Сайлов олди ҳарқанақа сиёсатидан йироқроқ бўламан, - дедим дангал. Дедиму, ишга шунғидим....

Хуллас, тўрт хола-жиян “Лаззат макон”нинг “посудамойка”сини “ишғол” қилдик.

Очиғи, шу чокқача мен “Одамларда пул йўқ. Улар рўзғорини тебратишга зўрға сармоя топишади. Овқатланиш шаҳобчаларига кириб, тамадди қилишларига йўл бўлсин” деган ўйда юрарканман. Қайда, ҳар куни “Лаззат макон” ресторани тўла одаммм! Азборойи идиш-товоқларнинг сероблигидан “Эй, бу одамларнинг бошпанаси, рўзғори, уйида қозони, қора қозонини қайнатадиган завжаси йўқмикин-а?”деб юборасан киши гоҳида! Лекин нима бўлгандаям “клент” кўпайса, “тилло топган тентак”дек суюнамиз: “Маошимизни кечиктирмай беришади!”. Негаки, бу ерда ҳамма жойдаги каби кунлик иш ҳақингизни кунда эмас, ҳар шанба куни тунги соат 24.00 ларда улашишаркан. Яхши-да, кўлингиз “дўржи”гина пул кўради!

Лоф эмас, бир кунда бу ресторан йўқ деганда, ўлдим деганда 20 миллион касса ёпаркан, тўғриси.

Завқ билан иш бошлагандик. “Бу ерда ҳамма шароитлар муҳайё

экан, демак, “Шерхон”даги туалет сувини тўқишдек расвогарчилик бу ерда бўлмаса керак” деган хаёлда эдим. Хомтама бўлган эканман. Қайда. Ишнинг биринчи куниданоқ 17 ёшли фаррош қизалоқ – Севара ва Зарнигор (катта қизимнинг исмидан экан. Шу сабабми, бу қизалоққа меҳрим тушди) пол ва ҳожатхона ювган сувини биз-уч хола-жиян идиш-товоқ ювадиган рақвинага ағдаришни бошлади: қоп-қора балчиқ: соч, қил, қоғоз, тиш қавлагичлар... Кум заррачаларига ўхшаш лойқа нарсалар... Кўрсангиз, кўнгиладингиз айниб кетади. Кўзингиз тушгудек бўлса, ўлдиришса ҳам пул тўлаб бунингдек ресторандан танавул қилмаган бўлардингиз. Менинг хаёлимга келган илк фикр нима бўлди, биласизми?: “Бойвачча хўрандалар пулларига юқимли ва бедаво дардларни сотиб олиб кетишмоқда! Шуни ўзлари билишармикин?!”. Ишимнинг илк кунлари ўзим билан қошиқ ва пиёламни кўтариб юришимга тўғри келди. Негаки, ҳожатхона сувига ювилган идишларда танавул қилишни кўнглим тортмасди.... Йўқ, сиз ўйламанг, “Лаззат макон”нинг ҳожатхоналари АҚШ элчихонасининг ҳожатхонаси каби (ҳарҳолда ҳорижда бўлмаганман, биргина элчихоналарнинг ҳожатхоналаринигина кўрганман, холос) “унитаз”идан сув олиб ичадиган даражада тоза, озода, қарсангиз, аксингиз кўринадиган – ойнага қараб, сочини тарайдиган даражада ялтироқ, кўз оладиган эмас-да! Ҳамма гап мана шунда. Яхшиямки, “Шерхон” чойхонасининг ҳожатхонасига иккита аёл фаррош, битта салатчи ва битта аёл “завзал” билан кўшиб ҳисоблаганда, бор-йўғи тўрт-бештагина аёл кирарди. Қолган мижозларнинг бари, номи чойхона эмасми, эркаклар. Тикка туриб, “ушлаб-чоптирадиганлар”, чоптириб, чор-атрофга сачратадиганлар! Бунингдек очиклигим, беҳаёлигим учун ўқувчилар кечирсинлар мени! Лекин, на илож, “Шерхон” чойхонасида эркакларнинг пешобини ювиб, пешоб олут лойқа сувларини рақвинамда ликопчаларимнинг устига ағдаришарди.... “Лаззат макон”да эса... Кечирпасиз-у... аксарият мижозлар аёллар.... Аёллар бўлаганида ҳам “сидримгина” аёллар эмас, ҳижобли хонимлар!

Хўш, ҳижобли хонимлар қош-кўзини бўяб, сочини селкиллашиб юрадиган хотинлар-қизлардан нимаси билан фарқ қилади? Шуниси билан фарқ қиладики: аввал, тушунтириш ишларини ҳожатхона курилишидан бошласам дегандим: “Лаззат макон”нинг “дама”лар учун мўлжалланган иккита ҳожатхонаси мавжуд бўлиб, уларнинг иккисига ҳам айнан мана бунақанги унитаз ўрнатилган:

Бирок, минг афсуски, ҳижоблилар, номозхонлар учун таҳоратхона ва ё ерга ўрнатилган (қандай тушунтирсам экан?), ўзимизнинг одми ҳожатхоналар каби, унитазни ерга ўрнатишади-ю, биласизми, чўккалаб ўтирадиган... айнан шунақанги, айнан мана бундай ҳожатхоналар ўрнатилмаган.

Яъни, хуллас, ҳожатхона қуришаётган маҳалида мижозларнинг эҳтиёжлари ҳечам ҳисобга олинмаган. Алал-оқибат бизнинг ҳижобли аёл мижозларимиз ҳожатхонадан фойдаланишаётганларида нима қилишади денг: улар мана бунақанги қилиб, президент Путин каби “унитаз”ларга ўлиб қолишса кетларини қўйиб ўтиришмайди:

Бизнинг номозхон мусулмонларга ҳамма кетини қўйиб ўтиришга мўлжалланмаган, сидиримгина, ўзбекона (беҳазил айтаяпман) мана бунақанги ҳожатхоналар керак:

Тинчгина, чўккалаб ўтирса бўладиган ҳожатхоналар зарур.... Бунақалари эса йўқ. Нима қилиш керак. Заҳар қисталанг қилган бир пайтда бизнинг ўзбек аёллари “Бор-э!” дейдида

кетингизни қўйиб ўтирадиган унитазнинг устига икки оёқлақ чиқиб олиб “чоптиришади”. Қарабсизки: чор-атроф пешоб! Шунчаки, куруккина пешоб бўлсаям гўрга-ёв! Қонталаш пешоб бўлсачи?! Ортидан кирган киши ҳожатхонадан фойданалиб чиқан аёл ҳайз кўрганми, йўқми, бемалол, “диогноз” қўйиши мумкин бўлади. Бир ой ишлаб бирор маротаба ҳожатхонага кирган аёл (айнан ҳижобли) мижозларнинг “тешигини тешигига” тўғрилаб ўтирганларининг гувоҳи бўлмадим-да ҳайтовур.... Яна “унитаз”нинг устига чиқиб олиб “бакалажка”даги сувда таҳорат олишларига ўласизми?.... Ана

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

сизга томоша!.... Ҳожатхона ювишга масъул 17 ёшлик фаррош қиз шўрлик 15 соат аёлларнинг пешобини, пешоб бўлгандаям қонгалаш пешобини артиб-суртишга мажбур... Шунчаки... мажбургина эмас... Бу қонгалаш пешоболут сувни биз идиш-товоқ юваётган рақвинага шариллатиб тўкканига нима дейсиз?! Яна, устига-устак туалет рақвинасини артиб-суртган латгасини “пасуда” ювишга мўлжалланган рақвинага ювишиничи?

Вой дод! Бунингдек ҳолатларнинг гувоҳи бўларканман, ногоҳон кўз олдимга шу йиллар давомида “Ғиждувон”, “Зиё нур”, “Қашқадарё миллий тамолари”, “Будур” каби кафе-ошхоналарда жиз, шашлик, табака каби турфа таомларни танаввул қилганларим кўз олдимга келиб, қўнғлим айниб кетади. Қўсгим келди. Қайт қилиш учун яна ўша “машхур” ҳожатхонага югургилайман!.... Шу йиллар давомида соққамга нима сотиб олиб истеъмол қилганимни тасаввур қиламан... хуноб бўламан... Аттанг қиламан... Ҳали шунақамиди?! Беш дақиқаси кам замон талабларига жавоб берадиган уч қаватлик пойтахтнинг машхур “Лаззат макон” ретсоранида аҳвол шу бўлса, қолган “ҳашаки” овқатланиш шаҳобчаларининг ҳоли қандоқ экан? Тасаввурларимга сиғдира олмайман! Ҳалакман!

Йўқ, мен қизим тенги 17-18 ёшли фаррош қизчаларни – Зарнигор ва Севарани устма-уст уч кун огоҳлантирдим: “Қизалоғим, бу ердан одамлар танаввул қилишади. Ҳожатхона ва полларни артган сувларни идиш-товоқ ювадиган рақвинага тўкиш, туалет ювган латтангни ликопча-қошиқ ювадиган рақвинада ювишинг гигиенага тўғри келмайди. Бу ишинг хўрандаларни ажалидан беш кун бурун ўлдиради. Болам, илтимос, нотоза сувларинг бу ерга тўкмагин, бориб туалетнинг унитазига тўккин. Ёки ташқарига чиқариб ташлагин” деб минг бор айтдим, такрорладим, талаб қилдим. Кошки фойдаси бўласа!....

- Онахон, гел билан тозалаб ювиб ташлайсиз, бўлди. Бунинг нимаси қийин экан, тоза бўлади-қолади, - жавоб қилишади масхаратомуз....

-Э, онасини эмсин бу тўрт томонга қўйиб қўйилган кузатув камераларини! Наҳотки ҳожатхона

сувини ликопча юваётган рақвинага тўкаётганингни кузатув камерасида кўришмаса! – дейман, хуноб бўламан, - Бу ўлгур камера фақат идиш-тавоқни синдириб қўйганларнигина суратга оладими дейман! – газабланиман.

Охири “Лаззат макон” ресторанининг бошлиғи Ҳикматулломиди.... Ҳа, эсладим, Раҳматулло эди!

Ўша одамнинг олдига чиқиб арз қилишга қарор қилдим. Фаррошларга иш бошқарувчи бир қиз бўларди, Самарқанднинг, адашмасам, Пахтачи туманидан, исми Нигора. Унга дедим: “Раҳматулло ака қаерда ўтиради? Бунингдек расвогарчиликлардан хабари борми-йўқми, ахборот бериб қўйишим керак? Мени унинг олдига бошлаб боринг? Ҳатто танимайман ҳам?”

- Вой, Раҳматжон акага бунақа гаплар ҳақида гапира кўрманг. У киши жудаям жаҳлдор. Бир деганда бу қизларни ишдан ҳайдаб юборади. “Нимага?”, “Нима учун?” деб сўраб ўтирмайди! Шунчаки, ишдан ҳайдайди, тамом-вассалом. Бу қизларнинг бири – Зранигор – 1997 йилди туғилган. Сирдарёдан. Отаси 8 йилга қамалиб кетган. Онаси Россияда. Оила шу қизчанинг – фаррошнинг зиммасида. Ишсиз қолса, укаларига жавоб бўлади. Қизларга раҳмингиз келсин....., - деди Нигора ваҳима аралаш, - Бу ҳақда Раҳматжон акага айта кўрманг-а?!....

Мен ҳам одамман. Мендаям юрак бор. Шу сабаб ортиқ Раҳматжон деганларини қидирмадим. Ҳар куни эрталаб ходимларнинг келиш-кетишларини назорат қилиб ўтирадиган қария - Раҳматжон аканинг оталари “дода” бор “Лаззат макон”да. Исмлари билан қизиқмаганман. Шунчаки “дода”.

Ҳожатхонасувларинирақвинамга тўкишлари ҳикилдоғимга келгач, учинчи куни “дода”нинг олдига арз қилиб бордим: “Дода, ҳаммамизам Худо деган одамлармиз. Мени оилада тозаликка ўргатишган. Фаррош қизларингиз буғизимга келтиришди. Ҳожатхона ва полларни ювган сувларини мен идиш-тавоқ юваздиган рақвинага тўкавериб хароб қилди. Энди идишларнинг ҳалоллиги қолдими? Санэпстанция бунга эшитса бир деганда ресторани печатлаб кетмайдими? Бундан хўрандалар



хабар топишса нима дейишади? Илтимос, биз идиш-товоқ ювадиган рақвинага фаррош қизларингиз харом сувларини тўкмасинлар. Бунақа сувларни ҳожатхонанинг унитазига тўкишсин, биров бир нарса демайди. Пол ва унитазларни артган латталарини марҳамат қилиб ҳожатхонанинг рақвинасига ювишсин, ғинг демайман. Лекин идиш-тавоқ ювадиган рақвинага туалет ювадиган фаррошларингиз яқинлашмасин, илтимос, уларга тайнилаб қўйсангиз, - дедим, арз қилдим.

- Қани, ким ўша, рақвинага расво сув тўкадиганлар? Мени ёнимга чакиринг? – оташин бўлди ота.

Шу-шу менинг кўз олдимда фаррош қизлар идиш-тавоқ ювадиган рақвинага харом сувларни тўкишдан тийилишди.

Шу гапдан кейин бир маҳал фаррош қизларнинг ошиқ офитсантларидан бири ёнимга тарафқашлик қилиш учун келса денг:

- Тушунмадим, кампиршоҳ, сиз қизларни хафа қилаётган эмишсизми? – деди беписанд овозда.

Мен қизишган эмасман. Унга чиройлик қилиб тушунтириб бердим: Бу ресторан умумий уйимиз. Умримизнинг, кунимизнинг тўртдан уч ярим қисми шу даргоҳда ўтади. Шу ерда нафақат хўрандалар, ўзимиз ҳам кун бўйи тамадди қиламиз. Аёлларнинг ҳайз кўрган қон олут пешоби артилган латта чайилган сувда ювилган ликопчада таом танаввул қилиш сизга хуш келадими?

-Э-ийй, гапирманг-э! Овқатланигим келмай қоляпти бу ресторандан! Кўнгилларим айнаб кетапти, бўлди қилинг!, - нари кетди ошиқ йигит....

“Дода”нинг маҳобатларидан сўнг очиқ-ошқора идиш-товоқ ювадиган рақвинага ҳожатхона

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ювилган сувларни тўкиш барҳам топгандек бўлди... Бироқ... Биз кундуз кунни соат 10.30 да ишга келардик. Фаррошлар эса саҳарда... Бир кун ишга келсак, ликопчалар ювиладиган рақвина тўла балчиқ, лойка сув. Соч, қил (билмадим, у ниманинг қили, Худо билади) Кум, тупроқ.... Балчиқ... Лик тўла. Рақвина тортмай қолган. Шундан билдимки, пол ювган сувларини идиш-товок ювишга мўлжалланган рақвинага очикча-ошкора тўкишга чўчиган фаррошлар биз йўқлигимизда, барибир ўз “ишларини аъло даражада уйддалашган”.

Салагчилар хонасидан сув торитшга кўмаклашадиган мосламани келтириб, зўрға рақвинани ишга туширдим. Кейин яна фаррош қизларга дағдағамни бошлаб қолдим: “Афтидан, қария дея сизлар “Дода”нинг буйруғини писанд қилмаяпсанлар! Бўлди, бас! Модомики, отасини назар қилмас экансизлар, ўз билганларингдан қолмас экансизлар, ўғлига, Раҳматуллонинг шаҳсан ўзига арз қиламан! Тунги кузатув камерасини кўздан кечиришларини талаб қиламан ва бугун ликопча ювишга мўлжалланган рақвинамга ким туалет сувини тўкканига аниқлик киритаман. Сизларни тарбиялаб бўлмайдиганга ўхшайди!” дедим оташин бўлиб.

Ўшандагина билдимки, раҳбар ходимига, ҳар бир ишчисига виждон бўлолмайди. Одамнинг ўзида виждон бўлиши керак экан. Уйғоқ виждон. Токи кишининг виждони бўлмас экан, бошлиқ ходимини кеча-ю кундуз, 24 соат давомида кузатиб, ишчисига кўз-қулоқ бўлиб тура олмайди, бу мумкин ҳам эмас. Одамнинг виждони бўлмаса, барчаси бекор.... Фаррош: “Тозаликка мен масъулман. Хўрандаларнинг ҳалол танавулига жавобгарман. Саломатлигига поспонман. Тоза ишлаётганимни раҳбарлар кўрмасада, хўрандалар хабардор бўлмасада, Худо гувоҳ бўлиб турибди” демаса, Яратгандан кўрқмаса, барчаси бекор, ҳаромхўрлик бардавом бўлаверар экан...Токи ишчиларнинг, “посудамойчик”у, фаррошларнинг ўзига инсоф бермас экан, ходимларнинг ўзида инсоф бўлмас экан, пойтахтга маълум ва машхур бўлган гавжум “Лаззат макон” ресторанининг



бошқарувчиси Раҳматулло, унинг отаси “дода”, укаси Олимларнинг қўлидан ҳеч нарса келмаслигига амин бўлдим....

Янаям аниқроғи, ресторан раҳбарияти истаса, бунингдек бемазагарчиликларга барҳам берса бўлади... Бунинг учун шунчаки, қулоқларига телефон аппарати клейланиб қолган, алпанг-жалпанг қиладиган, учиб-қўнадиган 17-18 ёшли қизалоқларнинг меҳнатидан воз кечиш керак холос.... Уларнинг ўрнига ҳаётнинг аччиқ-чучугини тортган, рўзгор нима, турмуш аравасини тортиш машаққати не биладиган, ҳалол нима, ҳаром нима, фарқлай оладиган, кўпни кўрган, ўзини босиб олган ўрта ёшли аёлларни ишга ёллаш керак холос. Бу эса у қадар мушкул ҳам эмас.... Бироқ буни ресторан раҳбарияти истамасачи? Ўртаёшли, юзлари ажин аёллар “клент” чакирсамачи? Бозорларини касод қилсачи? Мана, гап қаерда?...

Тўғри, “дода”га арз қилганимдан кейин, гарчи, ишчи-хизматчиларга қора қаргадек кўринган бўлсамда, менинг кўз ўнгимда идиш-товок ювиладиган рақвиналарга ифлос сувлар тўкилишига барҳам берилди... Бироқ, бу иш мен йўқ вақтларимда хуфёна давом этаётганлигини рақвиналар тагида силкиб қолган кум заррачаларидан, лойқаланиб қолган қиллар, соч толаларидан илғаб олишим мушкул эмасди... Билардим, ожиз эдим, кўлидман ҳеч нарса келмаслигидан оғринардим...

Кунлардан бир кунни жияним Феруза патсга, “подвал”га – ертўлага чакириб қолди: “70 кишилик “банкет” бўлмоқда. Идиш-товокларни ювишда кўмаклашинг” деди. Тушдим.... Тушдим, фаррош Зарнигор хожатхона супирадиган супирги ва ҳокандозини, поллатгаларини Феруза рюмкалар, ликопчалар ювадиган рақвинада қўлида бир марталик қўлқоп ила ҳафсала билан юваётганлигига гувоҳ бўлдим....

Хайратдан қотдим:

- Феруза, сенда ҳалиям ўша расвогарчиликлар бардавомку? Нега бу қизалоқ хожатхона супиргиси, ҳокандози, поллатгасини сен рюмка, ликопча ювадиган рақвинага ювмоқда? Нега бунга қаршилик кўрсатмаяпсан? Ахир ўзинг ҳам шу идишларда овқталанмайсанми? – хитоб қилдим газабнок.

- Йўқ, мен сизга ўхшамайман. Мен сиз эмасман, хола! Бу ерда бугун борман, эртага йўқман! Сизга ўхшаб ҳамманинг кўзига ола мушиқдек кўринишни истамайман. Менинг мақсадим, ҳақиқатни гапириш эмас, муддаом битта: шу бугун ишимни уйддаласам, пулимни олсам, бўлди. Бошқаси билан менинг неча пуллик ишим бор?! Ўлиб кетмайдими бари?! Поллатгаларини идиш ювадиган рақвинамда чайётган шу қизалоқ “дода” билан Раҳматулло аканинг “эркатаойи”, “агент”и бўлади. Бу қизалоққа қарши гапирганлар, қарши кетганлар ишсиз қолади. Менга шу керакми? Йўқ, менга пул керак, ортиқча бош оғриқ эмас. Илтимос, мени йўлдан урманг! Мен сиз эмасман. Сиз бўлолмайман ҳам! Бошимни ортиқ оғритманг! Ўша хўрандаларингиз нажасига чайилган овқатни емаса, захарни емайдими, менга демаса! Менга нима?!!!! НЕГА ШУНАҚАСИЗ? НЕГА БУНЧАЛАР ЁМОНСИЗ, ХОЛАЖОН? НИМА УЧУН ҲАМИША ТУЗИНИ ЕБ, ТУЗЛИҒИГА ТУПИРАСИЗ?! ТЎРТ ТАНГА ТОПИШИМИЗГА ҚЎЙИБ БЕРИНГ, ХОЛА. НЕГА БИЗНИ ТУШУНМАЙСИЗ?!!!! – ЖИЯНИМИНГ КЎЗЛАРИДА НОРОЗИЛИК ҚОРИШИЛГАН НАФРАТ ЎТИ ЧАҚНАБ КЕТДИ....

(Ҳали мен 15 соатлик тик туриб ишлаш азобларини, 15 соатлик машаққатлар эвазига 8 соатлик иш соатига ҳақ олиш изтиробларини... набирангиз қатори болаларнинг – бошлиқчаларнинг ҳақоратомуз камситишлари ҳақида гапириб ўтирмадим.... Бу ҳақдаги ҳангомаларнинг давомини насиб этган бўлса эртага ўқийсиз...)

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА

Мустақил журналист, ҳуқуқбон

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий

нашри

www.uzxalqharakati.com/erkinyurt

Мухаррир: Нурбек Саломов